

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020 TAR.72.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАШИДОВ ОЙБЕК РАСУЛОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА МИЛЛИЙ ЗИЁЛИЛАР ВА
БОЛЬШЕВИКЛАРНИНГ МАФКУРА МАЙДОНИДАГИ КУРАШИ
(1917 – 1938 йй.)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро - 2022

Фан доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук
Content of the abstract of dissertation of doctor of sciences

Рашидов Ойбек Расулович

Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар ва болшевикларнинг мафкура майдонидаги кураши (1917–1938 йй.)3

Рашидов Ойбек Расулович

Борьба национальной интеллигенции с большевиками на идеологической арене на территории Узбекистана (1917–1938 гг.).....33

Rashidov Oybek Rasulovich

Ideological struggle between the national intelligentsia and Bolsheviks in the territory of Uzbekistan (1917–1938 years)63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works67

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020ТАР.72.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАШИДОВ ОЙБЕК РАСУЛОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА МИЛЛИЙ ЗИЁЛИЛАР ВА
БОЛЬШЕВИКЛАРНИНГ МАФКУРА МАЙДОНИДАГИ КУРАШИ
(1917 – 1938 йй.)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро - 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Tar189 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.buxdu.uz>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ражабов Қаҳрамон Кенжаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳасанов Бахтиёр Вахапович
тарих фанлари доктори, профессор

Ҳайдаров Муродилла Маҳмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Музробжон Ғуломович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация химояси Бухоро давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.Tar.72.07 рақамли илмий Кенгашнинг 2022 йил «20» 09 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси 11-уй, Бухоро давлат университети, Ахборот-ресурс маркази, 2-кават, мажлислар зали. Тел.: (99865) 221-29-14; факс: (99865) 221-27-07; e-mail: busu_restor@edu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ 1189 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 705018 Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси 11-уй, Бухоро давлат университети, Ахборот-ресурс маркази биноси). Тел.: 0(365) 221-29-14, факс: 652212707)

Диссертация автореферати 2022 йил « » _____ кuni тарқатилди.
(2022 йил « » _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси билан).



С.И. Иноятов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.У. Темиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., (PhD)

Ш.А. Хаитов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида рўй бераётган глобаллашув шароитида миллий этник низолар, можаролар, хавф-хатар ва таҳдидлар, қуролли босқинлар, ҳарбий тўқнашувлар, пандемия (эпидемия), халқаро терроризм, шовинизм, диний экстремизм, фундаментализм ҳамда ғоявий-мафкуравий курашлар тобора кескинлашиб бормоқда. Бу ғоявий-мафкуравий курашлар ядро полигонларидан ҳам кучли эканлиги ҳисобга олинганида, ҳар бир давлат ўзининг миллий мафкураси ва тараққиёт стратегиясига эга бўлиши айтилиши зарурат ҳисобланади. Инсон манфаатларига зид бўлган мафкуравий тузилмаларга барҳам бериш ҳамда геосиёсий майдонни ўз таъсир доирасига олишга уринаётган бузғунчи ғояларга қарши курашиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда совет ҳокимияти даврида миллий республикаларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаёти, коммунистик партиянинг давлат бошқарувидаги ўрни, большевикларнинг миллий сиёсати, “шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият” тўғрисидаги қарашлари ҳамда уларнинг “байналмилал ғоялари”, Ўзбекистондаги кадрлар масаласи, маърифатпарварлар, зиёлилар, жаҳидларга қарши олиб борилган қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари юзасидан илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ўзбек миллий зиёлилари билан большевикларнинг мафкура майдонидаги кураши, унинг назарий асослари, даврий босқичлари ва мазмун-моҳияти каби йўналишларда тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида мамлакат тинчлигига, хавфсизлигига раҳна солувчи барча ҳатти-ҳаракатлар, “оммавий маданият” ниқоби остидаги беҳаёлик ва ваҳшийликни тарғиб қилувчи маънавий ва мафкуравий таҳдидларга қарши курашишга катта эътибор берилмоқда. “Жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмини шакллантириш, Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқиш”¹ борасида вазифалар белгилаб берилди. Бу борадаги ўзгаришлар ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятни қуришда ҳамда ўзига ишончи мустаҳкам бўлган комил инсонни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 8 октябрдаги Ф-5598-сонли “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида // Янги Ўзбекистон. 2022 йил 1 февраль. 22-сон. [Электрон ресурс]. <https://lex.uz/pdfs/5841063>

Фармойиши, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сонли “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 июндаги 357-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги Олий таълим муассасалари тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейлари ҳамда “Шаҳидлар хотираси” жамоат фондини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Жаҳонда совет давлатларидаги коммунистик партиянинг ҳукмрон мафкурага айланиши ва унинг назарий асослари, тамойиллари, даврий босқичлари, мазмун-моҳиятини ўрганишга оид тадқиқотлар қатор етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Exeter University (Буюк Британия), Harvard University (АҚШ), Chicago University (АҚШ), New York University (АҚШ), Michigan University (АҚШ), Pittsburgh University (АҚШ), Zentrum für Osteuropaund internationale Studien (Шарқий Европа ва Халқаро тадқиқотлар маркази, Германия), Pontifical Gregorian University (Италия), Москва давлат университети (Россия), Marmara University (Туркия), Жанубий Қозоғистон университети (Қозоғистон), Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон) кабиларда олиб борилмоқда.

Жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида совет давлатининг тоталитар бошқаруви ва коммунистик мафкуранинг ҳукмронлиги тарихига оид қуйидаги илмий натижалар олинган: совет давлатида большевикларнинг зиёлилар, ёзувчилар, адабиётшуносларга бўлган муносабати, уларнинг сиёсий ҳамда мафкуравий ташвиқот билан боғлиқ фаолиятлари (Exeter University, Буюк Британия); Туркистон минтақасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, большевиклар билан миллий зиёлилар ўртасидаги мафкуравий қарашлар ҳамда қурашлар очиқ берилган (Harvard University, АҚШ); совет давлатида тоталитар тузумнинг мустаҳкамланиши, империянинг собиқ ўлкаларида миллий республикаларнинг тузилиши, инсонларнинг коммунистик мафкура таъсиридаги ижтимоий-психологик ҳолатига оид фактлар келтирилган (New York University, АҚШ); Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг етакчи сиёсий арбоблари фаолияти ҳамда уларнинг 1930–1938

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.researchgate.net>, <http://www.academia.edu>, <http://www.trove.nla.gov.au>, <http://www.goodreads.com>, <http://www.abebbooks.co.uk>, <http://www.hup.harvard.edu>, <http://www.unrisd.edu>, <http://www.booktopia.com.au>, <http://www.ucis.pit.edu> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

йиллардаги Сталин даври қатағонларига тортилиши билан боғлиқ жиҳатлар очиб берилган (Michigan University, АҚШ); Большевикларнинг Ўрта Осиёдаги миллий сиёсати ва Ўзбекистондаги миллий зиёлиларнинг қатағон этилиши каби жиҳатлар таҳлил этилган (Pittsburgh University АҚШ); Коммунистик мафқуранинг инсонлар онгига таъсири ҳамда синфий душман ғояси туфайли кўплаб нодир асарларнинг буржуа мафқурасини тарғиб қилувчи сифатида йўқ қилинганлиги билан боғлиқ далиллар келтирилган (Шарқий Европа ва Халқаро тадқиқотлар маркази, Германия); ишчи мафқурасининг мазмун-моҳияти, унинг диний нуқтаи назардан қарашлари, пролетариат диктатурасининг оқибатлари (Pontifical Gregorian University, Италия); Ўзбекистон ССРда кам сонли миллатлар тақдири, республикада миграция жараёнлари билан боғлиқ масалалар илмий асосда ёритилган (Москва давлат университети, Россия); туркистонлик муҳожир зиёлилар ҳаёти, илмий ва матбаачилик фаолияти, уларнинг миллий истиқлол мафқураси йўлида олиб борган кураши ҳамда миллий зиёлиларни ҳимоя қилиши билан боғлиқ маълумотлар берилган (Marmara University, Туркия); “Туркистон Мухторияти” ва “Алаш Ўрда” миллий ҳукуматларининг совет ҳокимияти томонидан тугатилиши, давлат бошқарув идораларида фаолият юритган миллий кадрлар ва зиёлиларнинг қатағон қилинишига оид маълумотлар берилган (Жанубий Қозоғистон университети, Қозоғистон); Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг шаклланиши, моҳияти ва босқичлари, аксилинқилобий ташкилотлар ва уларнинг мафқуравий қарашларига оид муҳим жиҳатлар (Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон).

Совет ҳокимиятининг тоталитар бошқаруви шароитида коммунистик партиянинг ҳукмрон кучга айланиши, большевикларнинг партия сафларини тозолаш ва миллий бошқарув учун кураш масалаларини ўрганишга доир қатор, жумладан, куйидаги устивор йўналишдаги тадқиқотлар давом этмоқда: пролетариат диктатурасига қарши миллий муҳолифатнинг ғоявий курашини кўрсатиб бериш, ер-сув ислоҳоти, хотин-қизларни озод қилиш, совет диний ва миллий сиёсати каби ўзгаришлар “синфий кураш” ниқоби остида олиб борилганлигини очиб бериш, большевикларнинг миллий зиёлиларни қатағон қилиши билан боғлиқ зиддиятчи томонларни ўрганиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек миллий зиёлиларининг большевиклар мафқурасига қарши олиб борган кураш жараёни ва тарихи масалалари кўплаб тадқиқотларга асос бўлган. Бу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар диссертацияда кўрсатилган. Унда муаммога оид адабиётлар 3 гуруҳга бўлинган: биринчи гуруҳга – совет ҳокимияти йилларида нашр этилган тарихий адабиётлар; иккинчи гуруҳга – мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар; учинчи гуруҳга – хорижда нашр этилган асарлар киради. Тадқиқотда тарихшунослик масаласи алоҳида бобда қараб чиқилади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих

институтида 2012–2013 йилларда бажарилган ИФА-2012-1-4-сонли “Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи (1917–1991 йй.). 2-жилд” мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида ҳамда Бухоро давлат университети ҳузуридаги “Қатағон қурбонлари илмий меросини ўрганиш” маркази тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1917–1938 йилларда Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар ва большевиклар ўртасидаги мафкуравий курашнинг назарий асослари ҳамда мазмун-моҳиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Большевиклар ва миллий зиёлилар ўртасидаги мафкуравий курашнинг назарий-концептуал асосларини очиб бериш;

Туркистонда пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши ва унга қарши миллий муҳолифатнинг ғоявий кураши масалаларини тадқиқ этиш;

Хоразм Халқ Совет Республикаси ва Бухоро Халқ Совет Республикалари ҳукуматларининг ислоҳотчилик ғоялари ва большевикча мафкура ўртасидаги зиддиятли жараёнларни аниқ далиллар асосида ўрганиш;

мафкуравий кураш жараёнида совет ҳокимиятининг таълим тизими, миллий тилларга муносабати ва имловий ўзгаришларнинг моҳият ва сабабларини тадқиқ қилиш;

Ўзбек адабиёти ва миллий матбуотда зиёлилар ҳамда большевиклар ўртасидаги мафкуравий курашни таҳлил қилиш;

большевиклар “синфий кураш” ғоясининг жамият ижтимоий-сиёсий, маънавий ва мафкуравий жараёнлардаги мувозанатга таъсирини очиб бериш;

коммунистик мафкура тамойилларидаги зиддиятли жараёнлар ва миллий зиёлиларга нисбатан тазйиқ кўрсатишнинг кескин тус олиши билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда миллий мафкуранинг ривожланишига хизмат қилувчи тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон ҳудудида 1917–1938 йиллардаги хронологик даврда миллий зиёлилар ва большевиклар ўртасидаги мафкуравий курашнинг тарихи белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети миллий зиёлилар ва большевиклар ўртасидаги мафкуравий курашнинг жамият ижтимоий-сиёсий, маънавий ва маърифий жараёнлардаги мувозанатга таъсири ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тадқиқотлар олиб боришнинг тарихийлик, объективлик, илмийлик, қиёсий таҳлил, тарихий-хронологик, анализ ва синтез, аниқ тарихий шароитда рақам ва далилларга таяниш каби метод ҳамда усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Ўзбек зиёлилари илгари сурган истиқлол мафкураси большевиклар томонидан буржуа, майда буржуа, либерал буржуа, идеалистик, клерикал (диний) каби меҳнаткаш халққа ёт ва душман ғоялар сифатида қораланиб келинганлиги ҳамда улар “ўз-ўзини танқид ниқоби остида яширинганлик”, “қизил партияни алдаганлик”, “ёлғон фактлар келтирганлик”,

“аксилнқилобчи унсурлар тегирмонига сув қуйганлик”, “оғмачилик” ва “турухбозлик” каби сохта айблар билан айбланганликлари аниқланган.

Миллий зиёлиларнинг “ўзига хослик ва сингармонизм – темир қонун назарияси” большевикларнинг “шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият” тўғрисидаги қарашлари ва коммунистик партиянинг миллий сиёсати ҳамда “байналмилал ғоялари”га қарши мафкуравий курашганлиги исботланган.

Большевиклар “синфий кураш” ғоясининг жамият ижтимоий-сиёсий, маънавий ва мафкуравий жараёнлардаги мувозанатнинг бузилишига таъсири ҳамда республика ва хориждаги муҳожир зиёлиларнинг миллий манфаатлар ва муштарак мақсадлар учун олиб борган курашлари “аксилнқилобий” ва “аксилшўровий” ҳаракат сифатида талқин қилинганлиги далилланган.

Миллий зиёлилар пролетариат мафкурасига қарши истиқлол мафкурасини, большевизмга қарши туронизм ғоясини илгари сурганликлари ҳамда темурийлар давридаги улуғворликни тиклаш ва “Буюк Турон” давлатини қуриш йўлида барча кучларни бирлаштириш ва кадрлар ўстиришга жиддий эътибор қаратганликлари исботланган.

Большевиклар капитализмни ағдариб ташлаш орқали ишчилар синфининг янги типини вужудга келтириш, партия сафларини жипслаштириш ва унинг бирлигини мустаҳкамлаш йўлида “совет зиёлиси” яъни “қизил зиёли”ни яратиш учун курашганлиги ҳамда эркин фикрловчи миллий зиёлилар қатламини “эски зиёли”, “зиёнли” деб қатағон қилиши билан боғлиқ далиллар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Қатағон қурбонлари хотираси” давлат музейининг фондларини янги маълумот ва экспозициялар билан тўлдиришда фойдаланилган;

Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар ва большевиклар ўртасидаги мафкуравий кураш тарихига оид кўплаб архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари ва бошқа бирламчи маълумотлар илк марта илмий муомалага киритилган ҳамда илмий методологик ёндошувлар асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ёшлар онгида тарихий тафаккур, миллий ғурур туйғуларини шаклланишида муҳим ўрин тутадиган адабиётларни яратиш ҳамда Олий ўқув юртлари тарих факультетларида ўқитилаётган “Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тадбирларининг мустамлакачилик моҳияти (1917–1991 йиллар) мавзусидаги махсус курсларга янги маълумотлар киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, бирламчи манбаларга асосланганлиги, кўп турдаги тарихий адабиётлардан фойдаланилганлиги, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган

натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги кабилар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қиёсий-тарихий ва тизимли усуллардан фойдаланган ҳолда 1917–1938 йилларда Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар ва большевиклар ўртасидаги мафкуравий кураш тарихини объектив, холисана ва фанлараро ўзаро уйғунликда тадқиқ этиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Ўзбекистонда совет бошқаруви даврида миллий зиёлиларнинг истиқлол мафкураси учун олиб борган кураши, ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини тадқиқ этишга қаратилган давлат дастурининг бажарилишида ҳамда ўқув қўлланма, дарсликлар яратишда, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида танлов ва махсус курслар ташкил қилиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар ва большевикларнинг мафкура майдонидаги кураши тарихига оид ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Туркистон ўлкасида пролетариат диктатурасига қарши миллий муҳолифатнинг ғоявий кураши, “Туркистон бирлиги” ғояси ҳамда унинг большевиклар томонидан инкор этилиши, “аксилнқилобий” ва “аксилшўровий” деб номланган яширин ташкилотларнинг миллий мафкурани химоя қилишдаги ўрнини аниқлашга оид илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида 2012–2013 йилларда бажарилган ИФА-2012-1-4-сонли “Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи (1917–1991 йй). 2-жилд” мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида тайёрланган “Ўзбекистон тарихи” номли академик нашрда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 4 февралдаги 3/1255-253-сонли далолатномаси). Ушбу илмий натижалар ва хулосаларнинг қўлланилиши ўзбек зиёлиларининг ижодида миллий ва пролетариат мафкураси ўртасида курашнинг бориши ҳамда большевиклар “синфий кураш” ғоясининг совет жамияти ҳаётидаги аҳамиятини ўрганишга хизмат қилган.

Миллий зиёлиларнинг “ўзига хослик ва сингармонизм – темир қонун назарияси” большевикларнинг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият тўғрисидаги қарашлари ва ҳамда ишчилар синфининг янги типини яратиш ҳамда партия сафларини жипслаштириш ва унинг бирлигини мустаҳкамлаш йўлида эркин фикрловчи зиёлиларнинг қатағон қилинишига оид илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Қатағон қурбонлари хотираси” давлат музейи “30-йилларнинг бошларидаги сиёсий қатағонлар” мавзусидаги 6-бўлимнинг музей экспозициясини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Қатағон қурбонлари хотираси” давлат музейининг 2022 йил 28 апрелдаги 79-сонли маълумотномаси).

Совет бошқаруви даврида ўзбек зиёлилари илгари сурган қарашлар буржуа, майда буржуа, либерал буржуа, идеалистик, клерикал (диний) каби меҳнаткаш халққа ёт ва душман ғоялар сифатида қораланиб келинганлиги ҳамда Бухоро Халқ Совет Республикаси даври тарихи бўйича Маданий мерос агентлиги тизимида фаолият юритаётган Бухоро давлат музей-қўриқхонасида “Файзулла Хўжаев ва миллий зиёлилар” мавзусидаги экспозицияларнинг шакллантирилишидаги илмий натижаларидан фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг 2022 йил 21 апрелдаги 01-01/1061-сонли маълумотномаси).

Давлат ва сиёсат арбоби Файзулла Хўжаевнинг миллий зиёлилар манфаатларини ҳимоя қилганлиги, уларга моддий ва маънавий кўмак берганлиги ҳамда маҳаллий кадрларни тайёрлаш борасидаги фаолияти билан боғлиқ илмий натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканали давлат муассасаси томонидан фойдаланилди (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 14 декабрдаги 01-4/4-1867-сонли маълумотномаси). Қўлланилган натижалар телетомошабинларга совет бошқаруви даврида миллий манфаатлар йўлида курашган давлат ва сиёсат арбоблари, кадрлар ҳамда зиёлиларнинг машаққатли ҳаёт йўлини илмий асосда ўрганишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Тадқиқот натижалари 28 та илмий конференция, жумладан, 9 та халқаро, 19 та республика илмий-назарий, илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган. Шундан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда илова қисмларидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 249 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқлаштириб олинган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги исботланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган. Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, диссертант томонидан эълон қилинган ишлар ва тадқиқотнинг тузилиши юзасидан маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Ўзбекистонда миллий зиёлилар ва большевиклар мафкурасининг назарий асослари, мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослиги таҳлили” деб номланади. Ушбу бобда миллий зиёлиларнинг истиқлол ва большевикларнинг пролетариат мафкураси назарий асослари, даврий босқичлари, мазмун-моҳияти, жамиятга таъсир ўтказиш механизми ва мақсади илмий асосда ўрганилди. Шунингдек, мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослигига оид қимматли материаллар илк маротаба илмий истеъмолга олиб кирилди.

Инсоният тарихида ҳеч бир мафкура XX асрнинг биринчи 40 йили ичида коммунистик мафкурадек, юз миллионлаб инсонларни ҳалокат ёқасига олиб бормаган. Бу мафкура тарихий адабиётларда “пролетариат мафкураси”, “ишчилар синфи мафкураси”, “йўқсуллар мафкураси” “большевиклар мафкураси”, “байналмилал мафкура”, “умумсовет мафкураси”, “коммунистик мафкура”, “қизил мафкура” каби турли шаклдаги номлар билан учрайди. Октябрь инқилобидан кейин биринчи ўн йилликда большевикларнинг миллий сиёсати марксизмнинг назарий ва мафкуравий асосига таянди. Ўзларини “байналмилалчи” – деб ҳисоблаган большевиклар курашининг маъноси жаҳон инқилоби, синф ва миллий фарқларни билмайдиган коммунистик жамият куриш эди. Миллий чекка ўлкаларни қамраб олган кучли парчаланиш жараёни большевик раҳбарларнинг собиқ Россия империясининг кўплаб этник гуруҳлари ва миллатларни бошқаришда янги шакллар ҳамда механизмларни излаш заруратини туғдирди³.

1925 йил 12 ноябрда РКП (б) МК РСФСРдаги барча партия ташкилотларига юборган 18770-рақамли йўриқномасида⁴ партия иши ва унинг тарғиботи масаласига алоҳида тўхталиб ўтган. Мазкур йўриқномада пролетариат мафкураси ва партиявий ишлар тарғиботида “қизил матбуот”, “қизил чойхона”, маданий оқартув клублари, совет мактаблари ва кутубхоналари, курслар, клуб ва тўғарақларнинг ўрни муҳим эканлигини кўрсатиб ўтган⁵.

Большевиклар зиёлиларни “эски” ва “янги зиёли” деб номланган гуруҳга ажратганлар. Улар эски зиёлилар сифатида жадидларни назарда тутадилар. Янги зиёлилар эса пролетар мафкурага хизмат қиладиган ва унинг ғояларидан оғишмасдан, ўзининг шу йўлдаги садоқатини намоён қилган ҳамда эски зиёлиларни танқид қилганлар киритилди. Совет ҳукуматида ўз садоқатини намоён қилган янги зиёлилар “қизил зиёлилар” деб ҳам аталган. Большевиклар миллий зиёлиларнинг истиқлол мафкурасига қарши “инқилобий кураш”, “синфий кураш”, “пролетариат ва буржуазия ўртасидаги кураш”, “партиявий кураш” каби ғояларни ўртага ташлаганлар.

³ Дроздов К.С. Политика украинизации в Центральном Черноземье, 1923–1933 гг. Москва: “Институт российской истории РАН”, 2016. –С.109.

⁴ Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), 94-фонд, 1-рўйхат, 202-йиғма жилд, 49–51-варақлар.

⁵ Ўз МА, 94-фонд, 1-рўйхат, 202-йиғма жилд, 50-варақ.

Ўзбекистон компартияси масъул котиби А.Икромовнинг 1926 йили компартия йиғилишида “Мафкура майдонида кураш” номли маърузаси⁶ дан сўнг, бу борада партиянинг махсус қарори⁷ қабул қилинган. Шу ўринда коммунистик партиянинг бу соҳадаги кураши мафкуравий фронт деб юритилган. Кавказда совет тузумига қарши кураш олиб борган “Мусовот” (Мусулмон бюроси) нинг бошлиқларидан бўлган Аминбек Расулзода большевиклар мафкурасига шундай таъриф беради: “Ленинизм ғояси ишчиларнинг “космополитизм”⁸ деган бир маслагидир. Биринчи, рус бўлмаган миллатларни руслаштириш йўли билан бутун Русияни бир худуд қилишни истайди. Иккинчиси, миллий томири қувватланиб етмаган заиф миллатларнинг миллият фикрини ўлдириш йўли билан бутун Русияни миллатсиз бир ҳолга қолдиришга (динатциялизм қилишга) тиришадир”⁹.

Большевиклар мафкурасига қарши кураш нафақат Ўзбекистон ва бошқа совет республикаларида, шунингдек, инқилоб маркази ҳисобланган Россиянинг ўзида ҳам мавжуд эди. Айниқса, муҳолиф марралар большевизм мафкурасининг иқтисодий томонларига кескин қарши эдилар. Фуқаролар қўлидаги мол-мулк, ер ва бойликлар зўравонлик билан, янада аниқроқ айтганда пролетариатча хужум натижасида тортиб олинган эди. 1925 йил партия Марказий Қўмитаси ўша вақтда Бухарин майдонга айтган ва “Комсомольская правда” ёқлаб чиққан “Бой бўлингиз!” шиорини Сталин ташаббуси билан қоралаган эди. Сталин айтишича, бу нарса “аслида капитализмни тиклашга чақириниш” эди¹⁰.

Ўзбекистон худудида миллий зиёлилар ва большевикларнинг мафкура майдонидаги кураши мавзусига оид тадқиқотларни хронологик жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади: биринчи гуруҳга – совет ҳокимияти йилларида нашр этилган тарихий адабиётлар; иккинчи гуруҳга – мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар; учинчи гуруҳга – хорижда нашр этилган асарлар киради.

Биринчи гуруҳ, яъни совет тарихшунослиги ўз навбатида икки даврни ўз ичига олади. Биринчи давр ХХ асрнинг 20 – 30-йилларга тегишли бўлиб, бу даврда С.Айний, Ф.Хўжаев, А.Фитрат, Г.Сафаров, Т.Рискулов, Н.Тўракулов, А.Икромов ва бошқалар томонидан яратилган тарихий асарлар¹¹ ҳисобланса,

⁶ Мустафо Чўқай ўғли. Мафкура майдонида кураш // “Yash Turkistan”. 1930.№12. –Б.8–22. (AyazTahir Turkestan idilural vakfi).1-cild (1–13 sayilar) 1929-1930. Istanbul. 1997.

⁷ Мафкура майдонида (Икромов маърузаси бўйича чиқарилган қарор) // “Қизил Ўзбекистон”. 1926 йил 5 май, 99-сон.

⁸ Космополитизм – (юнонча kosmopolites-космополит, дунё фуқароси) дунё фуқаролигини даъво қилиш, шунингдек, миллий ва давлат суверенитетини рад этиш, турли миллий анъана, маданият ҳамда ватанпарварлик туйғусидан воз кечиш ғоясини илгари сурадиган қараш. Қаранг: Qilichev R. Milliy g’o’ya va mafkura: asosiy tushuncha va atamalar. – Buxoro: “Durdona”, 2013.–В.113.

⁹ Қора маёқлар (Большевизм – шовинизм) // “Қизил Ўзбекистон”. 1926 йил 4 февраль, 29-сон.

¹⁰ Ўнг муртадлар – капитализмни тиклаш тарафдори // “Қизил Ўзбекистон”. 1936 йил 17 декабрь. 289-сон.

¹¹ Сафаров Г. Колоньяльная революция (Опыт Туркестана). –Москва: Госиздат, 1921; Дарвиш [Тўракулов Н.] Ферганская проблема // Военная мысль. Кн. II. – Т.,1921; Муравейский С. Из истории Коммунистической партии Туркестана. – Т.,1922; Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Часть 1. 1917-1919 гг. –Т., 1925; Ф.Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр,1926; С.Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. –Москва: СССР халқлари нашриёти, 1926; Икромов А. Итоги земельной реформы

иккинчи давр XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб токи 80-йилларнинг ўрталаригача яратилган тарихий адабиётлар киритилди. Бу даврнинг тарихчилари В.Абдувалиев, Г.Ҳидоят, К.Житов, В.Непомнин, Л.Зотова, Т.Қориниёзов, Ҳ.Турсунов, Ҳ.Иноят, М.Холмухамедов, Ҳ.Расулов, М.Назаров, Р.Ражабова, В.Чеботарева ва бошқа тадқиқотчиларнинг¹² асарлари таҳлил қилинди. Бу даврда яратилган кўпгина адабиётларда октябрь инқилобининг ютуқлари, ишчи-меҳнаткашларнинг ижимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, совет таълим тизими, пролетариат мафкурасининг назарий асослари каби муҳим масалалар ёритилган. Шунингдек, мазкур тарихий адабиётларда мафкуравий кураш масаласига “марксча-ленинча” назария доирасида ёритилиб келинди. Совет даврида яратилган адабиётлар муаллифларининг баъзилари маҳаллий тарихчилар бўлса, айримлари иттифоқ доирасидаги тарихчилар, мафкурачилар ҳисобланарди.

Иккинчи гуруҳ мустақиллик йилларида тадқиқот олиб борган тарихчи олимлар Д.Алимова, Р.Муртазаева, Ф.Қосимов, С.Иноят, Р.Шамсутдинов, Қ.Ражабов, С.Аъзамхўжаев, Р.Абдуллаев, Б.Ҳасанов, А.Расулов, Ш.Ҳайитов, З.Ишонхўжаева, Х.Юнусова, М.Ҳайдаров, Б.Расулов, А.Ерметов ва бошқалар томонидан нашр этилган адабиётларда¹³ ҳамда ҳимоя қилинган қатор

и перспективы ее закрепления. – Т.,1925; Зелькина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. – М.,1930; Бенедиктов И. Колхозное строительство в Узбекистане. – Москва: Госиздат, 1930.

¹² Назаров М. Ўзбекистонда совет ҳокимиятини мустақамлаш учун кураш (1919–1920 йй.). – Тошкент: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Ўзбекистони Сурх” бирлашган нашриёти, 1954. – 52 б; Қориниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент: “Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси”,1956. –514 б; Житов К. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг 40 йиллиги. – Тошкент: “Ўзбекистон ССР Фанлар академияси”, 1957. –76 б; Унинг ўзи. Победа Великой Октябрьской Социалистической революции в Узбекистане. – Ташкент: АН УзССР, 1957. – 230 с; Непомнин В. Очерки истории социалистического строительства в Узбекистане (1917–1937 гг.). – Ташкент: Изд.Акад.Наук УзССР. 1957 – 218 с. Унинг ўзи. Исторический очерк строительства социализма в Узбекистане. – Ташкент: АН УзССР, 1957. – 219 с; Унинг ўзи. Ўзбекистоннинг социализмга ўтишидаги баъзи хусусиятлар. – Тошкент: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Ўзбекистони Сурх” бирлашган нашриёти, 1959. – 41 б; Унинг ўзи. Триумф стратегии и тактики ленинизма на Востоке (о переходе к социализму республик Средней Азии). – Ташкент: Узбекистан, 1974. –134 с; Расулов Ҳ. Пролетар интернационализм ва унинг Ўзбекистонда тантанаси. – Тошкент: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Ўзбекистони Сурх” бирлашган нашриёти, 1958. – 386 б; Турсунов Ҳ. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Тошкент: “Ўздавнашр”,1958. – 250 б; Унинг ўзи. Национальная политика Коммунистической партии в Туркестане (1917-1924). – Ташкент: “Узбекистан”, 1971. – 366 с; Холмухамедов М. Туркистонда марксизм-ленинизм идеяларининг тарқалиши. – Тошкент: “Ўздавнашр”, 1962. – 96 б; Ҳидоят Г. Ўрта Осиё халқларининг социалистик қурилишидаги ютуқлари ва ҳозирги замон антикоммунизми. – Тошкент: Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1970. – 28 б; Унинг ўзи. История и идеологическая борьба. – Тошкент: “Ўқитувчи”,1986. – 200 с; Унинг ўзи. Тарих ва мафкуравий кураш. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1988. – 208 б; Унинг ўзи. Национальный вопрос в СССР. – Ташкент: “Ўзбекистон”, 1991. – 305 с; Чеботарёва В.Г. Торжество ленинских идей пролетарского интернационализма в республиках Средней Азии и Казахстана (1917–1972 гг.) – Москва: “Наука”, 1974. – 530 с. Унинг ўзи. Решение национального вопроса в Узбекистане. – Ташкент: “Фан”, 1979. – 230 с; Абдувалиев В. Унитилмас саҳифа (Туркистон компартиясининг контрреволюцияга қарши кураши тарихидан). – Тошкент: “Ўзбекистон”,1975. – 40 б; Раджапова Р. Идеологическая работа Компартии Узбекистана в период строительства социализма (1925–1937 гг.) – Ташкент: “Узбекистан”, 1982. – 248 с; Зотова Л. Интернационализм ғояларига садоқат. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1985. – 32 б.

¹³ Касымов Ф. Драма революции и правда истории (Формирование историографии советизации Бухары и Хорезма). –Бухара: “Бухоро”, 1996. –89 стр; Унинг ўзи. Истиклол ва тарихий хотира. – Бухоро: “Бухоро”, 2006. – 256 б; Иноят С. Жизнь отданная народу (к 100 летию Файзуллы Ходжаева). – Навоий, 1996. – 43 стр; Унинг ўзи. Бухорои шариф хўжалари: Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев аждодлари ва авлодлари шажараси. –Бухоро: “Дурдона”, 2022. –179 б; Алимова Д., Голованов А. Ўзбекистон мустақил совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тайзик оқибатлари (1917–1990 йй.). – Тошкент: “Ўзбекистон”,

диссертацияларда¹⁴ совет давлатининг Ўзбекистонда юритган мустамлакачилик сиёсатига ҳам тўхталиб ўтилган ва қўйилган масаланинг баъзи томонлари ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар ва большевикларнинг мафкура майдонида кураши масалаларини ёритишда мустақиллик йилларида нашр этилган коллектив монографиялар¹⁵ нинг ўрни ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти лойиҳаси доирасида ёзилган “Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йй.)” номли икки жилдлик коллектив монографияда тарихнинг энг мураккаб ва зиддиятли даври ҳисобланган совет мустабид тузумининг “марказлаштириш”,

2000 –260 б; Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: “Маънавият”, 2000. – 168 б; Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодадалар (1917–1935 йй).– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000. – 35 б; Унинг ўзи. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920 – 1924 йй.). – Тошкент: “Маънавият”, 2012. – 144 б; Унинг ўзи. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918–1924 йиллар). – Тошкент: “Yangi nashr”, 2015. – 240 б; Ражабов Қ. Иноят С. Бухоро тарихи. – Тошкент: “Tafakkur”, 2016. –460 б; Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: “Шарқ”, 2001. – 416 б; Унинг ўзи. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Тошкент: “Шарқ”, 2001. – 368 б; Ҳасанов Б. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917 – начала 50-х годов. – Тошкент: “Академия МВД Республики Узбекистан”, 2000. – 202 с; Муртазаева Р.Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Тошкент: Университет, 2007; Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917 – 1991 йй.).– Тошкент: “Abu matbuot-konsal”t, 2008. – 208 б; Унинг ўзи. Усмонхўжа Пўлатхўжаев – миллий истиқлол курашчиси. – Бухоро, 2007. – 56 б; Расулов А.Н. Туркистон халқи бағрикенглиги. – Тошкент: “Yanginashr”, 2011. – 134 б; Ишонходжаева З. Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия и выживание (1925 – 1953 гг.). – Ташкент: “Tafakkur”, 2011. – 288 с; Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917–1941 йй.). – Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2012. – 272 б. Ерметов А. Ўзбекистонда ички ишлар органлари фаолияти (1925–1991 йй.). – Toshkent: “Adabiyot uchqunlari”, 2018. – 236 б.

¹⁴ Раджабов К.К. Истиқлолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1919–1924гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Т., 1995; Унинг ўзи. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918–1924 гг.) Автореф. дисс. док. ист. наук. – Т., 2005; Норжигитова Н.А. Историография “басмаческого движения” в Туркестане (советский период). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Т., 1995; Агзамходжаев С. Туркистон мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917–1918 гг.). Автореф. дисс. док. ист. наук. – Т., 1996; Узоқов Х. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи 1900–1940-йиллар (Журналистлар фаолияти мисолида): Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.– Т.,1996; Чориев А.Х. Мустабид шўролар тузуми шароитида Ўзбекистон халқ таълими ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш: миллий анъанавий ва шўро таълим тизимлари ўртасидаги зиддиятлар (20–30-йй). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.– Т., 1998; Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 годы. Автореф. дисс. док. ист. наук. – Т., 1998; Ҳасанов Б. Национальная интеллигенция Узбекистана в исторические процессы в 1917-начале 50-х годов. Автореф. дисс. докт. ист. наук. – Т., 2000; Убайдуллаев Ў. Ўзбекистонда 20–30-йилларда мустабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати (маҳаллий зиёлилар фаолияти мисолида).Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.– Андижон, 2004; Бодиров А. Самарқанд вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт (1925–1941йй.): Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2019; Ҳайитов У. Файзулла Хўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва унинг Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларда тутган ўрни. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Бухоро,2022.

¹⁵ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я. Раджапова. – Ташкент: “Шарқ”, 2000. –672 с; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: “Шарқ”,2000. –688 б; Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Биринчи китоб. 1917–1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: “O’zbekiston”, 2019. – 560 б; Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йй). Иккинчи китоб. 1939–1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: “O’zbekiston”, 2019. –576 б.

“большевиклаштириш”, “ишчилаштириш”, “миллийлаштириш”, “маҳаллийлаштириш”, “ўзбеклаштириш”, “руслаштириш” каби сиёсати билан боғлиқ муҳим жиҳатлар чуқур таҳлил қилинган.

Истиклол йиларида О. Шарофиддинов, Н. Каримов, М. Қўшжонов, Б.Қосимов, Ҳ. Болтабоев ва бошқа бир қатор адабиётшунослар томонидан совет мустабид тузуми қурбони бўлган миллий зиёлилар ҳақида нашр эттирган адабиётлари¹⁶ ўша давр мафқурасини очиб беришда муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Ушбу олимлар асарларида миллий зиёлиларнинг пролетар адабиётга хизмат қилишга мажбур бўлганлиги, мафқуравий вазият талабидан келиб чиққан ҳолда Фитрат, Чўлпон, Қодирийларни танқид қилганликларига оид фикрлар келтирилган. Шунингдек, миллий зиёлиларнинг ижоддаги маҳоратлари, оғир мафқуравий вазиятга қарамасдан миллатни уйғотадиган, ўзбек халқининг ёруғ келажаги ва озодлигини кўра билган асарларни ёзиб қолдирганлиги диққатга сазовордир.

Учинчи гуруҳга мансуб хорижлик тадқиқотчилар Аҳад Андижон¹⁷, Боймирза Ҳайит¹⁸, А. Холид¹⁹, А. Бенингсен²⁰, Р.Кукрел²¹ ва бошқаларнинг асарларида²² совет бошқаруви тизими, миллий кадрларнинг фаолияти, Ўрта Осиёда совет республикаларининг тузилиши, яширин сиёсий ташкилотлар фаолияти, большевиклар ва миллий зиёлилар ўртасида мафқуравий кураш масалаларининг баъзи жиҳатлари ёритилган.

Диссертациянинг **“Туркистон тараққийпарварлари ва большевиклар ўртасидаги мафқуравий курашнинг тарихий жараёнлари”** деб номланган иккинчи бобида Туркистонда большевикларнинг ҳокимиятга келиши ва пролетариат диктатурасининг ўрнатилишига қарши миллий муҳолифатнинг ғоявий кураши, Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет

¹⁶ Шарофиддинов О. Чўлпон. Шоир ҳақидаги ривоятлар ва ҳақиқатлар. – Тошкент: “Чўлпон”, 1991. – 112 б; Унинг ўзи. Истиклол фидойилари. Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим. Ҳайтий лавҳалар. Ҳужжатлар. Ривоятлар. – Тошкент: “Шарқ”, 1993. – 141б; Унинг ўзи. Чўлпонни англаш (Мақолалар). – Тошкент: “Ёзувчи”, 1994. – 48 б; Унинг ўзи. Чўлпон. Адабиёт надир (Адабий-танқидий мақолалар, Чўлпон ҳақида хотиралар). – Тошкент: “Чўлпон”, 1994. – 240 б; Қўшжонов М. Қодирий – эрксизлик қурбони. – Тошкент: “Фан”, 1992. – 96 б; Қодирийни кўмсаб: Ёднома. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Ш.Қодирий. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – 80 б. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд. Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Ҳ. Болтабоев. – Тошкент: “Маънавият”, 2000. – 256 б; Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: “Маънавият”, 2002. – 400 б; Унинг ўзи. Исмоилбек Гаспарали: (Таништириш йўлидаги бир тажриба). – Тошкент: “Ғафур Ғулом нашриёти”, 1992. – 48 б; Каримов Н. “Катта қирғин” нинг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари. – Тошкент: “Фан”, 2013. – 128 б;

¹⁷ Andijon Ahat. Cedidizm'den bağımsizliğa. Hariçte Türkistan mücadelesi. – İstanbul: “Tunç matbaacilik”, 2003. – 942 s.

¹⁸ Baymirza Hayit. Türkistan devletlerinin milli mücadeleleri tarihi. – Ankara: Türk tarih kurumu basimevi, 1995. – 447 s; Унинг ўзи. Milli Türkistan hürriyet davasi. – Ankara: AҲК Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı yayinlari, 2004. – 641 s.

¹⁹ Adeb Khalid. The politics of Muslim cultural reform: Jadidism in Central Asia. – Berkeley: University of California Press, 1998. – 355 p; Uning o'zi. Making Uzbekistan. Nation, Empire and Revolution in the Early USSR. – London: Cornell University press, 2015. – 415 p.

²⁰ Alexandre A.Bennigsen, S. Enders Winbush. Muslim National Commnism in the Soviet Union: A Revolutionary Strategy for the Colonial World. – Chicago and London: The University of Chicago press, 1980. – 267 p.

²¹ Roger Cockrel. Bolshevik Ideology and Literature (1917–1927). – London: Edwin Mellen, 2000. – 184 p.

²² Yaş Türkistan dergisine göre Türkistan milli mücadelesi. Hazirloyan Ercan Çelebi. – Ankara, 2000. – 267 s; Tülay Köseoglu. Sovetler'in Türkistan'i dönüştürme siyasetine muhalefet: Yaş Türkistan dergesi (1929–1939). – İstanbul, 2014. – 543 s.

Республикаларида ислохотчилик ғоялари ва большевиклар мафкураси ўртасидаги зиддиятли жараёнлар ҳамда Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишнинг ўтказилиши жараёнида ғоявий-мафкуравий тортишувлар атрофлича таҳлил қилинган.

Пролетариат диктатураси мафкурасига мувофиқ ҳокимият органлари марказнинг сиёсий манфаатларини зўравонлик билан таъминлашга қаратилди. Пролетариат диктатурасига қарши миллий муҳолифатнинг ғоявий курашувчилари 3 гуруҳга бўлинди: 1. Зиёлилар ва уламолар. 2. Маҳаллий коммунистлар. 3. Совет тузумига қарши қуролли курашаётганлар.

Туркистон мухториятининг бостирилиши ва ундан кейин ўлкадаги сиёсий вазият ҳақида туркистонлик делегатлар советлар йиғилишида қуйидаги маълумотларни айтганлар. “Биз Мадамин ва Эргаш бўлинмалари билан бўлган дахшатли курашни кузатдик. Бунда ўзларини қизил армия деб атаган ва хатто коммунистлар иштирокини ҳам гувоҳи бўлдик. Аслида “дашноқцутюн”чиларни қароқчи деб аташ ўринли бўлар эди. Маълумотларга кўра дашноқцутюн империалистик Англия қуроли эди, буни биз бутун Кавказда айникса, Бокуда дашноқцутюн томонидан қилинган хиёнатда билиб оламиз. Барча маҳаллий арман савдогарлари ушбу “коммунистик” партия сафида эдилар”²³.

1920 йилги маълумотларга кўра Туркистон АССРда 5.221.963 нафар аҳоли истиқомат қилган бўлса, шундан 1.040.850 нафари шаҳарда, 4.181.113 нафари қишлоқларда истиқомат қилган. Республика аҳолисининг миллий таркиби бўйича ўзбеклар 2.450.667 нафарни, қирғизлар 1.664.869 нафарни, туркманлар 266.681 нафарни ташкил этган²⁴. Большевиклар Туркистонда ҳокимиятни тўлиқ эгаллагач, эски давлат аппаратининг маҳаллий органларини тугатиш ва совет ташкилотларини тузиш учун кураш олиб бордилар. Улар асосан илғор ёшларни, прогрессив руҳдаги ўқитувчиларнинг бир қисмини ана шу ишларга сафарбар қилдилар.

Россияда октябрь инқилобидан сўнг бошланган фуқаролар уруши Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини чор мустамлакаси бошқарувидан холос қилиб, мустақил давлатга айлантди. Бироқ, инқилобий ғоялар хонлик ва амирликнинг тараққийпарвар қисми бўлган жадидларга кучли таъсир ўтказди. Уларда маърифатпарварлик мафкураси ва миллий истиқлол ғояси устуворлик қилди. 1920 йил 2 февралда большевиклар томонидан Хива хонлигида амалга оширилган давлат тўнтариши “социалистик инқилоб” деб аталди. 1920 йил 27–30 апрелда Бутунхоразм халқ вакилларининг I қурултойида ХХСР нинг вақтинчалик Конституцияси қабул қилинди. Ушбу Конституция кириш, 13 боб, 37 моддадан иборат бўлган²⁵. Ушбу қурултойда Хоразм компартияси тузилди ва унинг раислигига Аҳмаджон Акчурин

²³ Ўз МА, 17-фонд, 1-рўйхат, 820-йиғма жилд, 158-варақ.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президент Административияси архиви (ЎЗР ПАА), 60-фонд, 5-рўйхат, 107-йиғма жилд, 42-варақ.

²⁵ История Хорезмской Народной Советской Республики (1920–1924 гг.). Сборник документов. – Ташкент: “Фан”, 1976. –С.41–46.

тайинланди. Шундан сўнг Марказ вакилларининг кўрсатмасига биноан Хоразмда кўппартиявийлик таъқиқланади ва Ёш хиваликлар партияси ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади. Ёш хиваликлар партиясининг кўпгина аъзолари иштирокиюн партияси – коммунистик партия аъзолигига ўтишга мажбур бўлдилар. Аммо улар иштирокиюн партияси сафида ҳам ўз миллий хусусиятларини номоён қилишга интилдилар²⁶.

РКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси Хоразмда коммунистик партия кўли билан ишни “тозалаш”дан бошлади. 1923 йили “тозалаш” натижасида Хоразм коммунистик партияси сафидан 50 фоиздан зиёд киши савдогар ва мулла деб партиядан чиқарилади. Булар Хоразмдаги коммунистик партияга аъзо бўлган хатли, саводли зиёлилардан бўлган²⁷. 1923 йил 20 июлда Хоразм коммунистик партиясининг янги таркиби тасдиқланган. ХКП МК аъзолигига: 1. Машарипов Эшон, 2. Баюханов Дмитрий, 3. Усмонов Ахат, 4. Ҳамидов Бурхон, 5. Отажонов Бобожон, 6. Абдусаломов Маткарим, 7. Отажонов Матёқуб, 8. Иброҳимов Ахмеджон, 9. Одинаев, 10. Тагиоров Абзал, 11. Муртазин Шодир, 12. Гисматулин Намунда, 13. Мухаммеджанов Ҳасанлар ва ХКП МК номзодлигига 1. Юнусов Имомберган, 2. Болтабоев Карим, 3. Назаров Бекжон, 4. Шноталь, 5. Ниёзов Абдурахимлар тасдиқландилар²⁸. Шунингдек, ХКП МКнинг назорат комиссиясига: 1. Ниёзов Абдурахим, 2. Ишмухаммедов Қутлимурот, 3. Абдусаломов Маткарим ва назорат комиссиясига номзодликка: 1. Мухаммеджанов Ҳасан, 2. Тагиоров Абзал ҳамда ревизия комиссиясига 1. Усмонов Ахат, 2. Отажонов Матёқуб, 3. Юнусов Имомберганлар ва ревизия комиссиясига номзодлар 1. Бичурин Али, 2. Анискин Григорийлар номзоди тасдиқланган²⁹.

1923 йил 18–20 октябрда Бутунхоразм халқ вакилларининг IV қурултойида республиканинг янги Конституцияси³⁰ тасдиқланди. Ушбу Конституция 5 та бўлим, 12 та боб ва 46 та моддадан ташкил топган³¹. Янги Конституция мамлакатда амалга оширилган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, Хоразм Халқ Совет Республикаси ўзининг янги, социалистик ривожланиш даврига кирди деб баҳолади ва давлат номини шу кундан бошлаб, Хоразм Совет Социалистик Республикаси деб белгилади³². Натижада Хоразм Совет Социалистик Республикаси гербининг ташқи ва мафкуравий жиҳатдан кўриниши бошқа шаклга эга бўлди. У қизил рангдаги фондан (тасвирдан) иборат бўлиб, куёш нурлари фонида белкурак ва ўроқ жойлаштирилган. Белкурак ва ўроқ орасида пахта новдаси – очилган пахта чаноклари ва барглари, белкурак, ўроқ ва болға тасвири устида: “Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз!” деган ёзув, пастда

²⁶ Қўшжонов О. Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг биринчи чораги). – Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2007. –Б.328–329.

²⁷ Маткаримов М. Хоразм республикаси: давлат тузилиши, нозирлар ва иқтисоди. – Урганч, 1993. –Б.48.

²⁸ ЎзР ПАА, 361-фонд, 1-рўйхат, 270-йиғма жилд, 6-варақ.

²⁹ ЎзР ПАА, 361-фонд, 1-рўйхат, 270-йиғма жилд, 7-варақ.

³⁰ ЎзР ПАА, 361-фонд, 1-рўйхат, 231-йиғма жилд, 2–4-варақлар.

³¹ Ўз МА, 71-фонд, 1-рўйхат, 64-йиғма жилд, 25–29-варақнинг орқаси.

³² ЎзР ПАА, 361-фонд, 1-рўйхат, 231-йиғма жилд, 2-варақ.

– Хоразм Социалистик Совет Республикаси деган ёзув берилган. Ундаги “Совет” ва “Социалистик” сўзлари (конституциянинг) XII бобидаги “ХХСР герби ва байроғи” матнидагидан фарқ қилиб, ўрни алмашган ҳолда берилган. Байроқ ҳам худди шундай ўзгартирилиб, қизил рангга айлантирилди. Унинг юқорисида қизил армия юлдузи ва унинг остида “Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз! деган ёзув битилди”³³.

1920 йил 2 сентябрда амир Олимхон ҳокимияти ағдарилгач, большевиклар ўзларининг айтганига қатъий туришда давом этиб, Бухорода бўлган ташкилотларни коммунистлар марказқўми теварагида бирлаштиришни мажбурий қилиб қўйди. Натижада Ёш бухороликлар дастури коммунистик мафкурага тўғри келмайди деб топилди. 1920 йилнинг 11 сентябрида Файзулла Хўжаев бошлиқ Ёш бухороликлар партияси ўзининг тарқатилганлигини ва умумий қоида бўйича Бухоро коммунистик партияси сафига кириш тўғрисида қарорни қабул қилди. БКП 1922 йил 1 февралда РКП (б) таркибига киритилди³⁴.

1921 йил қабул қилинган БХСР конституцияси 5 бўлим, 17 боб, 79 моддадан иборат бўлган. (Мазкур конституциянинг эски ўзбек ёзувидаги нусхаси Ўзбекистон Миллий архиви³⁵ ва Ўзбекистон Республикаси Президент администрацияси архивида³⁶ сақланади. Тадқиқотчи томонидан мазкур конституция араб имлосидан қрилл имлосига биринчи марта тўлиқ ўгирилди³⁷). Ушбу конституциянинг 1-бўлим, 2-боб, 14-моддасида мамлакат мустақиллигини ҳимоя қилиш учун аскар тузиш ва аскарликка қабул қилиш масалалари келтирилган: “Халқ тарафидан қозонилган ҳурриятни муҳофаза қилмоқ ҳамда Бухоро жумҳуриятининг ҳудудларини ажнабий аскарларнинг тажовузидан сақламоқ учун маълум бир ёшга етган ва қурол тутишга муқтадир бўлган ҳамма эркаклар умумий аскарлик хизматиغا мукаллафдурлар”³⁸. 1924 йил 3 январь куни БХСР МИКнинг 72-рақамли қарори қабул қилинади³⁹. Бунга биноан маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам қизил армияга хизмат қилиши мажбурияти белгиланиб берилди.

Туркий халқларда узоқ ўтмишдан токи шу кунгача ҳамжиҳатликда, тинч-тотув яшаб, озод ва қудратли давлат тузиш ғояси устуворлик қилиб келди. Чор Россияси томонидан хонликларнинг бирин-кетин босиб олиниши ва мустамлакага айлантирилишининг асосий сабаби ўзаро ички келишмовчиликлардан иборат бўлди. Октябрь тўнтаришидан кейин ўлканинг илғор зиёлилари, миллий кадрлари Туркистоннинг яхлитлигини сақлаб қолиш ва унинг озодлигини қарор топтириш учун жиддий курашга кирдилар.

³³ Хорезм в истории государственности Узбекистана. – Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”, 2013. – Б. 269–270.

³⁴ Нурулин Р.А., Ҳасанов Қ.Х., Шек Л.К. Файзулла Хўжаев. –Тошкент: “Ёш гвардия”, 1977. –Б.20–22.

³⁵ Ўз МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 13-йиғма жилд, 1–14-варақлар.

³⁶ ЎзР ПАА, 14-фонд, 1-рўйхат, 748-йиғма жилд, 2–18-варақлар.

³⁷ Рашидов О. Файзулла Хўжаев миллий манфаатлар ва сиёсий курашлар майдонида. – Тошкент: “Muharrir”, 2020. –Б.174–193.

³⁸ Ўз МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 13-йиғма жилд, 13-варақ.

³⁹ Ўз МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 474-йиғма жилд, 42-варақ.

Жадидчилик ҳаракати асосчиси Исмоилбек Гаспарали туркий халқларнинг тарихий ватанлари ҳақида шундай деган эди: “Биз – туркий халқлар қадим-қадимдан Мармар денгизидан Хитой деворигача ёйилган йирик бир тарихий-этнографик бирлик ўлароқ яшаб келдик ва худди шундай яшамоғимиз керакдир”⁴⁰.

Большевиклар Ўрта Осиё ерларини эгаллагач, уни совет республикаларига айлантириш режасини туза бошладилар. Уларнинг минтақани миллий республикаларга бўлиш ғоясида келажакда содир бўладиган можароларнинг олдини олиш, эскидан давом этиб келадиган миллий ва қабилавий низоларни ҳал этиш, маҳаллий халқлар ҳаётидаги тенгсизликни тугатиш масалалари таъкидланган.

Архив ҳужжатларида келтирилган маълумотларга қараганда, 1924 йилда Туркистон АССРда 5.254.581 нафар, БССРда 2.236.437 нафар, ХССРда 640.004 нафар, урта совет республикасида жами 8.131.062 нафар аҳоли истиқомат қилган⁴¹. 1920 йилнинг январида бўлиб ўтган РКП(б)нинг 3-ўлка мусулмон конференциясида Турар Рискулов ўзининг маърузаси билан чиқиб, Туркистон аҳолисини миллий жиҳатдан ўзбек, туркман, тожик, қирғиз ва шунга ўхшаган миллатларга ажратиш – бу сунъий ажратишдир, деб таъкидлайди⁴². У Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Ўлка мусулмон бюросини бошқарар экан⁴³, маҳаллий меҳнаткашлар орасида партия ишларини уюштириш, зиёлиларни ҳукумат ишларига жалб қилиш, маҳаллий кадрлар тайёрлаш ишларида жонбозлик кўрсатган эди. Т.Рискуловнинг минтақа яхлитлигини сақлаб қолишга қилган ҳатти-ҳаракати большевиклар учун кечирилмас иш бўлди. Большевиклар наздидаги жиддий хатоларидан бири миллатчилик руҳида бўлган “Мустақил Турк Республикаси”ни тузиш ғоясининг кўтариб чиқилиши бўлди. Совет даври адабиётларида қайд этилишича, унинг бу фикрлари партиянинг миллий сиёсатига қарама-қарши эди.

Ўрта Осиёни миллий-худудий чегаралаш пайтида Хоразм Совет Республикаси худудида юз мингдан ортиқ қорақалпоқ, қирғиз-қозоқлар яшаган⁴⁴. Туркистон АССР худудининг 1,7 фоиз майдони ва 91.098 нафар аҳолиси ҳамда ХХСРнинг 20 фоиз майдони ва 128.008 нафар аҳолиси қорақалпоқларга ажратилган⁴⁵. Натижада қорақалпоқлар алоҳида автоном вилоят сифатида ташкил қилиниб, Ўрта Осиё бюросининг 2-сонли баённомасига биноан Қозоғистон АССР таркибига киритилди⁴⁶.

⁴⁰ Қосимов Б. Исмоилбек Гаспарали: (Таништириш йўлидаги бир тажриба). – Тошкент: “Ғафур Ғулом нашриёти”, 1992. –Б.5.

⁴¹ Ўз МА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 111-йиғма жилд, 5-варақ.

⁴² Назаров М. Ўзбекистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун кураш (1919–1920 йй.). – Тошкент: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Ўзбекистони Сурх” бирлашган нашриёти, 1954. – Б.47–48.

⁴³ ЎзР ПАА, 60-фонд, 3-рўйхат, 2-йиғма жилд, 1-варақ.

⁴⁴ Башир З. Қирғиз-қозоқ ва қорақалпоқ музофоти // “Туркистон”. 1924 йил 18 август, 331-сон.

⁴⁵ Ўз МА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 111-йиғма жилд, 5-варақ.

⁴⁶ Ўз МА, 87-фонд, 1-рўйхат, 9-йиғма жилд, 75-варақ.

Коммунистлар партияси “ҳар миллат ўз масаласини ўзи ҳал қилиши ва ўз маданиятини ўзи туғдириши керак” деган шиорни ўртага ташлаган⁴⁷. Бу борада Туркменистон республикасининг ташкил этилишида Хоразм ва Бухоро туркманларининг бирлаштирилиши масаласи ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Худудий комиссия қарорига кўра Келиф тумани, Карки вилоятининг шимолий чегарасидан Чоржўй вилоятининг Фороб туманига қадар бўлган худудлар Туркменистон ССР таркибига ўтган⁴⁸. Туркменистон ССРга собиқ Туркистон АССР худудининг 6,7 фоизи ва аҳолисининг 350.000 нафари, БХСРнинг 14 фоиз ер майдони ва 313.101 нафар аҳолиси, ХХСРнинг 30 фоиз майдони ҳамда 192.013 нафар аҳолиси ўтганлиги тасдиқланган⁴⁹.

Бундан ташқари Инқилобий кўмита Тожикистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Ўзбекистон ССР таркибига киришини тасдиқлаган⁵⁰. Ушбу масала 1927 йил қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституциясининг 4-бўлим, 8-боб, 61–69-моддаларида ўзининг қонуний тасдиғини топган⁵¹. Шунингдек, Тожикистон АССР Конституциясининг 1-моддасида ҳам республиканинг Ўзбекистон ССР таркибига эканлиги қайд этилган⁵². Архив ҳужжатларида келтирилган маълумотларга кўра, Тожикистон АССРнинг шу пайтдаги майдони 135.620 кв.км⁵³ни ва аҳолисининг умумий сони 739.503 нафарни⁵⁴ ташкил этган.

Минтақа халқларига мажбуран тикиштирилган миллий анъналарга ёт бўлган ушбу сиёсатни амалга ошириш учун вақт ва маблағ билан бир қаторда катта куч-ғайрат сарфлаш талаб қилинди. Биринчи даврда яъни миллий чегараланиш ғояси пайдо бўлган 1920 йилдан 1924 йилгача, уни амалда рўёбга чиқариш бошланган пайтда, мафкуравий, сиёсий, маданий-маънавий асослаш ва шундан кейинги ҳаракатлар учун замин тайёрлаш механизми ишга туширилди. “Ягона туркий миллат бўлмаганидек, ягона туркий маданияти ва туркий тил ҳам йўқ” деган шиорлар остида тўрт йил мобайнида дастлаб Туркистон, кейинроқ Бухоро ва Хоразм республикалари халқлари онгига кенг миқёсда руҳий таъсир ўтказилди, миллий ўхшаш тузилмаларнинг шаклланиш жараёнидаги интеграция сунъий равишда жадаллаштирилди. Иккинчи давр, 1924 йилда бевосита миллий чегараланиш ўтказилди, уни бошдан охиригача РКП (б) МК раҳбарияти ва унинг мухтор вакиллари раҳбарлигида Ўрта Осиё партия ташкилотлари амалга оширдилар. Маҳаллий халқларнинг хоҳиш-иродаси мутлақо ҳисобга олинмади ва уларни ўрганиш механизми ишлаб чиқилмади. Халқларни миллий чегаралаш ғояларини амалга ошириш большевикларнинг тактик устамонлиги билан

⁴⁷ Башир З. Хоразм жумҳурияти марказий ижрокўмининг раиси Султон Қори Жуманиёзов // “Туркистон”. 1924 йил 18 август, 331-сон.

⁴⁸ Ўз МА, 87-фонд, 1-рўйхат, 9-йиғма жилд, 74-варақ.

⁴⁹ Ўз МА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 111-йиғма жилд, 5-варақ.

⁵⁰ Ўз МА, 87-фонд, 1-рўйхат, 9-йиғма жилд, 75-варақ.

⁵¹ Конституция (основной закон) Узбекской Советской Социалистической Республики. – Самарканд. Издание Юридического Издательства СНК УзССР, 1927. –С.12-13.

⁵² Ўз МА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3211-йиғма жилд, 1–23-варақлар.

⁵³ Ўз МА, 86-фонд, 1-рўйхат, 2394-йиғма жилд, 127-варақ.

⁵⁴ Ўз МА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 111-йиғма жилд, 5-варақ.

муваффақиятли рўёбга чиқарилди. Аввало, бу ғоянинг дастлабки вазифаси ҳал этилди – туркийлар бирлиги мафқурасига ва амалиётига сезиларли зарба берилди⁵⁵.

Диссертациянинг учинчи боби **“Большевиклар ва миллий муҳолифатнинг Ўзбекистон ССРдаги сиёсий ҳамда мафқуравий ҳолати”** деб аталади. Бунда мафқуравий кураш жараёнида таълим тизими, миллий тилларга муносабат, имловий ўзгаришлар, ўзбек адабиёти ва матбуотида зиёлилар билан большевиклар ўртасидаги ғоявий-мафқуравий тортишувлар, шунингдек, аксилинқилобий ташкилотлар ва муҳожир зиёлиларнинг истиқлол мафқураси учун кураши ҳамда тарғиботчилик фаолияти тадқиқ этилди.

1918 йилнинг декабрида Туркистон АССР Маориф халқ комиссари Белик томонидан барча халқ таълими бўлимларига №6486 рақамли топшириқ⁵⁶ юборилади. Бунда республикадаги мактаблар рус, рус-маҳаллий, рус-яхудий ва бошқаларга бўлиниб, кўп босқичли характерга эга эканлиги келтирилган. Бундай бўлиниш мактабнинг бирлиги, руҳига нотўғри ва зид деб топилди⁵⁷. Шу аснода большевиклар нафақат диний мактаблар, жадид мактаблари, мадраса таълимини, балки рус-тузем мактабларини ҳам босқичма-босқич тугатиб, ўрнига совет мактабларини яратишга киришди. Шунингдек, 1919 йилдан бошлаб Туркистон АССРда партия мактаблари ҳам фаолият кўрсата бошлаган. Бундай мактабларда 150–200 соатлик коммунистик мафқурача назарий курслар ўқитилган⁵⁸.

1927 йили Ўзбекистонда коммунистик партия маориф соҳасидаги мафқуравий ишларга эътиборни кучайтирди. Айниқса, зиёлиларни ҳукумат ва бошқа ишларга тортиш масаласи долзарб қилиб қўйилди. Шу ўринда миллий кадрлар кўплаб зиёли ўқитувчилар мафқура масаласида ишдан бўшатилаётганини кескин танқид қилганлар: “Тошкентда 1926 йил август ойларида 50 га яқин ўқитувчилар “бизнинг мафқураамиздан чет” деб ишдан бўшатилиб юборилган. Мафқура жиҳатдан биздан четда деб ишдан четлаштириш катта хато ва катта тушунмовчиликдир. Тошкентда 25 нафар ўқитувчилар четлаштирилган вақтда 17 та мактаб ўқитувчисиз қолган”⁵⁹.

Миллий зиёлилар ва большевиклар ўртасида миллий тилларда иш юритиш ва имло масаласида ҳам мафқуравий курашлар ҳамда тортишувлар юз берган. Туркий тилларида гапирадиган халқларнинг орасида “умумтуркий” адабий тилини яратиш ғояси большевиклар томонидан “пантуркистик” ғоя деб аталди. Бу ғоя совет мафқурасида буржуа миллатчиларининг ғояси деб тарғиб қилинди. Умумтуркий тилини яратиш ғоясига қаршилик кўрсатган большевиклар ўзларини оқлаш учун қуйидагича

⁵⁵ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: “Шарк”, 2000. – Б. 300.

⁵⁶ Ўз МА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1062-йиғма жилд, 19-варак.

⁵⁷ Ўз МА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1062-йиғма жилд, 19-варак.

⁵⁸ Ўз МА, 735-фонд, 1-рўйхат, 19-йиғма жилд, 39-варак.

⁵⁹ Мафқура майдонида кураш масаласида маориф ишчиларининг вазифаси // “Қизил Ўзбекистон”. 1927 йил 16 январь, 13-сон.

важни келтирганлар: “Умумтуркий тили, аниқроқ қилиб айтганда буржуа миллатчилари жарғони фақат бир тўда ўзбек буржуа миллатчиларигагина тушунарли бўлиб, оммага томомила ёт эди”⁶⁰.

1929 йилда Самарқандда бўлган тил-имло қурултойида Қаюм Рамазон маърузаси юзасидан Мурод Шамс музокараларга чиқади. У Қаюм Рамазоннинг марксизмга қарши бўлган “ўзига хослик ва сингармонизм – темир қонун назарияси”ни олға суради⁶¹. Шундан сўнг, А.Фитрат, О.Ҳошим, Ғози Олим, Қ.Рамазонлар “сингармонизм – темир қонун” деган антимарксистик ғояларни илгари сурганликда айбланади ва большевиклар уларни очикдан-очик “халқ душмани” деб атади.

Большевиклар 1926 йили Ўрта Осиё республикаларида лотин имлосини жорий қилишга киришдилар. Ўзбекистонда бу ҳаракат 1927–1930-йилларда, Қозоғистонда 1928-1931 йилларда, Туркменистонда 1929–1930-йилларда олиб борилди⁶². Ўзбекистонда лотин алифбосига ўтиш 1928–1929 ўқув йилида бошланиб, 1929–1930 ўқув йилида охирига етказиш белгиланган⁶³. Ўзбекистон ҳукумати мамлакатда лотин алифбосини жорий этиш режасини⁶⁴ ишлаб чиқди. Большевиклар лотин имлосини инқилобий алифбо сифатида кўпчилик меҳнаткашлар оммасининг талаби ва истаги билан қабул қилинди, дейдилар. Бироқ, лотин имлосини жорий қилишда ҳам баъзи зиёлилар ўзларининг эътирозларини билдирганлар. Масалан, Мурод Шамс, Фитрат, Ашуралӣ Зоҳирӣ ва Отажон Ҳошим каби зиёлиларнинг билдирган фикрлари, таклифлари большевиклар томонидан “панисломчилар”, “миллатчилар”нинг қаршилиги деб баҳоланди. Миллий зиёлиларнинг фикрича, лотин имлосига ўтишда большевиклар шошма шошарликка йўл қўйгани ҳамда кўпчилик истамаган ҳолда ушбу имло қабул қилинаётганини таъкидлаганлар. Янги алифбонинг зўрлаб киритилиши тарихий асарларнинг йўқотилиши эҳтимоли борлигини билдирганлар⁶⁵.

Ўзбекистонда совет бошқаруви даврида ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослар, санъаткорлар, олимлар ва бошқа зиёлилар ўзларининг ижодлари орқали пролетариат мафқурасига хизмат қилишлари белгиланган. Пролетариат мафқурасида асрлар давомида яратилган миллий мерос томомила ўз ўрнини социалистик маданиятга бўшатиб бериши кўзда тутилган эди. Совет даврида ўтмишда яратилган ва ўзбек халқининг маънавий хазинасига айланган нодир асарларни ўрганиш, эски даврга қайтиш сифатида қаралиб, ушбу ижодкорлар эски зиёлилар ёки ёт фикрловчилар деб аталди.

⁶⁰ Қориниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, 1956. –Б.69.

⁶¹ Ниқобланган бир “тилчи” ҳақида // “Қизил Ўзбекистон”. 1938 йил 4 январь, 3-сон.

⁶² Tülay Köseoglu. Sovetler'in Türkistan'i dönüştürme siyasetine muhalefet: Yaş Türkistan dergesi (1929–1939). – Istanbul, 2014. – B.36-37.

⁶³ Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 4486-йиғма жилд, 14-варақ.

⁶⁴ Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 4486-йиғма жилд, 14–29-варақлар.

⁶⁵ Ниқобланган бир “тилчи” ҳақида // “Қизил Ўзбекистон”. 1938 йил 4 январь, 3-сон.

XX асрнинг 20-йилларида матбуот майдонида “қизил ёзувчи”, “пролетар-йўқсул ёзувчи”, “аксилинқилоб ёзувчиси”, “миллатчи ёзувчи” каби тушунчалар пайдо бўлди. Инқилоб марказида ҳам ҳатто ким “пролетар-йўқсул ёзувчиси”, ким “йўловчи” (попутчик) ёзувчи эканлиги ҳамда пролетар адабиёти қандай бўлиши лозимлиги ҳақида аниқ тушунча йўқ эди. Ўша давр Россиядаги ёзувчи ва адиблар ҳам мумтоз рус адабиёти вакиллари эди. Маълум бир шакл-мазмун, ижодий йўналишга эга бўлган пролетар адабиётининг ўзи йўқ ва бўлмаган эди. Адабиётдаги футуризм, иманжинизм, символизм каби оқимлар эса янги мафкурадан жуда узоқ эди⁶⁶.

РКП (б) МКнинг 1925 йил 18 июндаги “Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида”ги қарори ўзбек адабиётининг кейинги тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнади. Бу қарорга кўра, пролетар манфаатига хизмат қилмайдиган адабиёт намуналари буржуа мафкурасининг кўринишлари деб эълон қилинди ва уларга қарши кескин кураш бошланди⁶⁷.

Ўзбек миллий ёзувчилари йўқсул адабиёти бир лаҳзада туғилиб вояга етмаслигини жуда яхши англари эдилар. Даврий матбуотда янги пролетар мафкурани ўзича талқин қилган Терегулов, Ж.Бойбулатов, Олим Шарофиддинов, З.Баширий, Эл-Регистан, А. Аршаруни ва бошқалар Чўлпон, Фитрат, Элбек, Олтой каби шоирларни “қамчилаш”га тушдилар. Матбуот ҳақиқий мафкуравий жангоҳга айланди⁶⁸.

Туркияда муҳожирликда яшаган Усмон Хўжа 1927 йили Истанбулда чоп этган “Ени Туркистон” (“Янги Туркистон”) журналнинг биринчи сониди “Туркистонда турк адабиётининг мафкуравий таҳаввуллари умумий бир назар” номли назарий аҳамиятга молик мақоласи босилади. Мазкур мақолада Туркистон ижтимоий онги учун муҳим саналган мафкура ва адабиёт масаласи ёритилган. Усмон Хўжа мақоласида шундай сўзлар келтирилган: “Мафкура ва адабиёт бир-бирларига жону-тан нисбатиндадир. Жонсиз тан кўрқинч – скелет ўлдуғу каби мафкурасиз адабиётда айни ўлик ишидир”⁶⁹. Ушбу ибора билан Усмон Хўжа мафкурасиз адабиёт бўлмаслиги, мабодо адабиёт мафкурасиз бўлса, уни жонсиз тана деб атади.

Зиёлилар ижодида миллий ва пролетариат мафкураси ўртасида кураш 1929 йили кескинлашди. Бунга 1928 йили “Ўзбек адабиёти намуналари” китобининг нашр этилганлиги сабаб бўлди. “Ўзбек адабиёти намуналари” Ўзбекистон илмий кенгашининг раиси Отажон Ҳошимовнинг бевосита раҳбарлиги остида машҳур ўзбек ёзувчиси Абдурауф Фитрат томонидан тартиб қилинган. А.Фитрат ва О.Ҳошимов сўз боши ёзган ушбу китоб, ўзбек халқининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган адабий меросини ўз ичига олган ҳамда ўзбек адабиёти ва жамият тарихининг маълум даврларини ёритишга хизмат қилган эди. Бироқ, большевиклар миллийликни ўзида акс эттирган,

⁶⁶ Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг жорий архиви, 71-йиғма жилд, битта варақда.

⁶⁷ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: “Шарк”, 2000. –Б.395.

⁶⁸ Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг жорий архиви, 71-йиғма жилд, битта варақда.

⁶⁹ Turkistanda Yenelik Harakatlari va ihtilaller. 1900–1924. Нашрга тайёрлаган Timur Kocaoglu. Haarlem, Netherlads, 2018. –232–233 s.

бой маънавий мерос ҳисобланган ушбу асарни кенг халқ оммасига етказишга қаршилиқ кўрсатдилар. Большевиклар талаби билан миллий адабиётдан йироқ бўлган ва пролетар адабиёт вакили саналган Ж.Бойбўлатов “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1929 йилдаги 110, 111, 112-сонларида⁷⁰ “Ўзбек адабиёти намуналари” китобини ва унинг муаллифларини кескин танқид қилди.

1937 йилнинг июль оyi ўрталарида Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг пленуми бўлади ва унда Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирийлар қаттиқ танқид остига олинади. Энди очиқдан-очиқ миллатчи белгиси уларнинг бўйинларига илинади. Пленумда А.Қодирий нутқ сўзлайди ва “Мен Меҳробдан чаённи октябрь инқилоби таъсирида ёзганман, совет ёзувчиси руҳи билан ёзганман” дейди⁷¹. Бундан кейин адабиёт ва санъат хусусида эълон қилинган барча мақола ва китобларда А.Қодирий ашаддий миллатчи, советларга қарши курашга бел боғлаган халқ душмани сифатида тилга олинади. Жумладан, “Қизил Ўзбекистон” газетасида эълон қилинган мақолада Абдулла Қодирий ва Чўлпонлар ўзини қайта қура олмаган, янги тузумни қабул қилмаган ёзувчилар сифатида танқид қилинади⁷².

Совет ҳокимияти йилларида большевиклар томонидан “аксилинқилобий”, “аксилшўровий” ташкилотлар деб топилган “Кўмак” (1909–1923 йй), “Миллий Иттиҳод” (1921–1925 йй), “Миллий Истиқлол” (1922–1929 йй), “Туркистон Миллий Бирлиги” (1920–1923 йй), “Ботиргапчилар”, “Темурчилар”, “Ғайратлилар”, “Ўн саккизлар гуруҳи”, “Иноғомовчилик”, “Қосимовчилик” кабилар фаолиятида юрт озодлиги ҳамда ўзбек халқининг эркин ва фаровон яшаш учун курашиш ғоялари илгари сурилган. 1922 йилнинг май ойидан бошлаб Тошкентда “Кўмак” уюшмаси ташаббуси билан хорижда ўқиш учун талабаларни танлаш ва уларни керакли йўналишлар бўйича ўқув юртларига тақсимлаш ишлари бошлаб юборилади. 1922 йилги маълумотларга кўра, Туркистон ўлкасидан борган ёшлар Россиянинг ўрта ва олий таълим муассасаларида 500 дан ортиқ, 100 нафар Германия ва Туркияда, 35 нафар Бакуда таълим олган⁷³. “Кўмак” уюшмасига ғоявий раҳбарликни Фитрат, Чўлпон амалга оширган бўлса, ташкилий жиҳатдан Абдулла Раҳимбоев, Акмал Икромов, Элбек, Қаюм Рамазон ва Боту катта ёрдам беради.

1922 йил 28 декабрь куни Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси йиғилишида И.Хидиралиев вақф масаласида маъруза⁷⁴ қилади ва шу ерда “Кўмак” ташкилотига ҳам тўхталиб ўтади. “Ўтган йили Фарғонада “Кўмак” ташкилотининг бир чақириғи билан 7 миллиард рубль тўпланди. Бу пулни

⁷⁰ Бойбулатов Ж. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик // “Қизил Ўзбекистон”. 1929 йил 13 май, 110-сон; Унинг ўзи. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик // “Қизил Ўзбекистон”. 1929 йил 14 май, 111-сон; Унинг ўзи. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик // “Қизил Ўзбекистон”. 1929 йил 15 май, 112-сон.

⁷¹ Қўшжонов М. Қодирий – эрксизлик қурбони. – Тошкент: “Фан”, 1992. – Б.24–25.

⁷² Душманни чинаккам фoш қила билиш ва хатоларни большевикларча тузатиш керак // “Қизил Ўзбекистон”. 1937 йил 27 август, 196-сон.

⁷³ Ўз МА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1082-йиғма жилд, 6-варақ.

⁷⁴ Ўз МА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1082-йиғма жилд, 5-7-варақлар.

ким беради, ишчи-деҳконлар, камбағал инсонлар беряпти. Нима учун? Ҳа, чунки улар маорифсиз ҳаёт йуклигини англайдилар”⁷⁵.

Большевиклар зиёлиларни социализм қурилишининг фаол курашчилари қаторида бўлиши кераклигини таъкидлаганлар. Бироқ, аксарият миллий зиёлилар яширин ташкилотлар тузиб, совет тузумига қарши қуролли кураш олиб бораётган кучлар билан биргаликда она Ватанни босқинчилардан тозалашни мақсад қилган эдилар. Аксилинқилобий ташкилот деб юритилган “Миллий иттиҳод”нинг ғоявий-мафкуравий кураши унинг 18 моддадан иборат дастурида ақс этирилган. Мазкур дастурнинг иккинчи моддасида Туркистон ўлкаси мустақиллиги йўлида Англия билан ҳамкорлик қилиш лозимлиги келтирилган: “Агар мустақил Туркистонни сиёсий, ижтимоий, иқтисодий томондан идора қилиш туркийлар учун оғирлик қилса, Англияга 20 йилга концессияга (ижарага) берилди”⁷⁶. Бу жойда концессиянинг шартлари келтирилиб, 20 йил ичида Англия Туркистоннинг хомашёсини ташиб кетади ҳамда Туркистонга техника ўрнаштириб бериши кўзда тутилган.

Пролетариат мафкурасига қарши бўлган ва аксилинқилобчиликда айбланган ҳаракатлардан бири “Султонғалиевчилик” эди. Султон-Ғалиев⁷⁷ ҳамма вақт мустақил мусулмон марказий қўмитасини тузиш учун курашиб келди. У Турон давлатини барпо этиш ғояси атрофида жипслашиш учун Мустафо Чўқаев, Мунаввар Қори ва бошқа истиқлолчилар билан мустаҳкам алоқа боғлади. Улар буюк Турон давлатини қуриш йўлида барча кучларни бирлаштириш ва кадрлар ўстиришга жиддий эътибор қаратганлар⁷⁸.

Ўзбекистон Компартияси масбул котиби Акмал Икромов 1930 йил 11 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида партия фаоллари билан бўлган йиғилишда “Қосимовчилар оқибати ва аксилинқилобий, миллатчилик ташкилотларининг қўпорувчилик фаолияти тўғрисида” маъруза⁷⁹ қилади. Мазкур маърузада жумладан шундай дейилади: “Қосимовчилар пролетар инқилобдан омон қолган капитализмнинг қолдиқларини муқаррар ўлим олдига олиб борди. Социализм ривожига путур етказмоқчи бўлди. Зараркунандалар ва аксилинқилобчи ташкилотлар ҳақида бир қатор фактларнинг очилиши яна бир бор социализмнинг ғалабаси ва капитализмнинг мағлубиятига ишора қилмоқда”⁸⁰. Шундан сўнг йиғилиш иштирокчилари партия ичида уй қуриб олган бошқа миллатчилик ташкилотларини фош этиш, миллий буржуазия

⁷⁵ Ўз МА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1082-йиғма жилд, 7-варақ.

⁷⁶ Фарғона зиёлилари партиямиз йўлида // “Қизил Ўзбекистон”. 1930 йил 10 ноябрь, 263-сон.

⁷⁷ Султон-Ғалиев Мирсаид Хайдарғалиевич (1892–1940 йй.). Миллати татар. Қозон ўқитувчилар семинариясини тугатган. 1917 йилдан буён инқилобий ҳаракат аъзоларидан бири саналган. 1918–1920 йилларда РСФСР ҳарбий ишлар халқ камиссарлиги ҳузуридаги мусулмонлар ҳарбий коллегияси маркази раиси бўлган. 1919–1921 йилларда РКП (б) МК ҳузуридаги Шарқ халқлари коммунистик бюросининг маркази раиси. 1920–1923 йилларда РСФСР Миллий ишлар халқ камиссарлиги коллегияси аъзоси, РКП (б) XII съезд делегати бўлган. 1923 йилнинг май ойидан барча лавозимлардан бўшатирилган. “Султонғалиевчилик” аксилинқилобий ташкилотини тузганлиги таъкидланган. Ушбу ташкилот 70 нафарга яқин татар ва бошқирд коммунистларини ўзида бирлаштирганлиги таъкидланган.

⁷⁸ Миллий фашизмнинг ҳаракат программаси // “Қизил Ўзбекистон”. 1930 йил 26 август, 200-сон.

⁷⁹ ЎзР ПАА Самарқанд бўлими, 30-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд, 63–66-варақлар.

⁸⁰ ЎзР ПАА Самарқанд бўлими, 30-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд, 63-варақ.

агентларига қарши курашиш ҳақида фикр билдирадилар ҳамда пролетар инқилобга бирон куч хужум қила олмаслигини таъкидлаганлар⁸¹.

Мафкура яккаҳоқимлиги собиқ иттифоқчи республикаларда, жумладан, Ўзбекистонда халқларни тобеликда сақлашни таъминлашга, ўз тарихини унутиб юборишга, она тилидан узоқлашишга, миллий маданиятни бир томонлама ривожланишига хизмат қилди. Шундай шароитда халқимизнинг маънавияти ва ҳар қандай фикр-ўйлари, интилиши кўпинча буржуа миллатчилиги ғоялари, аксилинқилобий ҳаракатлар тариқасида баҳоланди.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда большевикларнинг зўравонлик сиёсати ва унинг республика ҳаётидаги муаммоларнинг кучайишига таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида синфий кураш ғоясининг жамият ижтимоий-сиёсий, маънавий ва мафкуравий жараёнлардаги мувозанатга таъсири, большевикларнинг партия сафларини тозалаш сиёсати ва миллий бошқарув учун кураш ҳамда коммунистик мафкура тамойилларидаги зиддиятли жараёнлар ва миллий зиёлиларга нисбатан зўравонликнинг кескин тус олиши масалалари таҳлил қилинди.

Большевиклар мафкураси асосида синфий кураш ғояси устуворлик қилиб, унда ўзгача фикрлашга бўлган ҳар қандай уриниш “синфий душман қаршилиги” деб баҳоланди. Ушбу синфий кураш назариясида пролетариат ва буржуазия ўртасидаги муносабатлар ҳамда тавофутлар баён қилинади. Коммунистик мафкурада синфий курашнинг йўналишларини белгилаб берилган. Бунда буржуа дунёқараши ҳамда майда буржуа ва кулоқларнинг ниқобланган мафкурасига қарши кураш олиб бориш лозимлиги таъкидланган. Майда буржуазия ва кулоқлар мафкураси троцкизм ҳамда “ўнг оппортунизм”да ўз аксини топганлиги келтирилган⁸².

Жамият ижтимоий ҳаётидаги хотин-қизларни озод қилиш, яъни “Хужум” ҳаракати, ўша даврда мамлакат 85 ғоизини⁸³ ташкил этган қишлоқ халқининг иқтисодий аҳволининг кўтарилишига сабаб сифатида большевиклар томонидан кўрсатилган ер ислоҳоти ва диний уламоларни “хурофотчи” деб атаган эътиқодий чекловлар синфий кураш ғояси негизида қурилган эди. Синфий кураш ғоясида “ислоҳотлар”нинг асосий душмани мулкдорлар, бойлар, диний уламолар, руҳонийлар сифатида кўрсатилди.

1930 йили Ўзбекистонда хотин-қизлар клуби бўйича иш олиб бориш қўлланмаси⁸⁴ чоп этилган. Унда хотин-қизлар клубида маданий ва маориф ишларини йўлга қўйиш ҳамда улар орасида коммунистик тарбия олиб бориш белгиланган. Шунингдек, хотин-қизлар оммасининг сиёсий ва маданий билимларини ошириш орқали синфсиз жамиятни қуриш иши атрофида кураш олиб бориш лозимлиги таъкидланган⁸⁵. Ўзбекистонда хотин-қизлар ва

⁸¹ ЎзР ПАА Самарқанд бўлими, 30-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд, 63–64-варақлар.

⁸² Турсунов Қ. Ўзбекистонда социализмга ўтиш даврида синфий кураш формалари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1972. –Б.11.

⁸³ Ер ислоҳоти ва ўқитувчилар // “Қизил Ўзбекистон”. 1925 йил 19 ноябрь, 280-сон.

⁸⁴ Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 722-йиғма жилд, 2–4-варақлар.

⁸⁵ Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 722-йиғма жилд, 3–4-варақлар.

маданий оқартув клублари сони 1935 йили 5767 та бўлса, 1936 йили 6183 тани ташкил этган⁸⁶.

Партия сафларини тозалаш масаласи большевикларнинг ўзига хос бошқарув тизими ҳисобланган. Шунинг учун большевиклар партия сафларини “тозалаш”га алоҳида эътибор қаратгандар. Шахсий текшириш протоколига ҳар бир текширилган коммунист ҳақида қуйидаги маълумотлар киритилиши белгилаб қўйилган. Текширилувчининг номи, отасининг исми, фамилияси, қайси йилдан буён ВКП (б) да фирқа билетини олган ёки номзод, карточкасининг рақамини ёзиш, ижтимоий аҳволи, умумий маълумотини текшириш вақтида бажарган иши, қизил аскарда қанча вақт бўлгани, оқлар аскарда бўлган-бўлмагани, бўлган бўлса мажбурийми ёки ихтиёрийми ва ким билан хизмат қилгани, 1917 йилгача нима иш қилгани, бошқа партияда бўлгани, бўлса қанча вақт бўлгани ёзилган⁸⁷.

Миллий манфаатларни ҳимоя қилган кадрлар ва зиёлилар большевиклар томонидан коммунистик партия ва ёшлар орасида ҳар хил бузуқ фикрларни тарқатишда айбланганлар. Партия аъзолари орасида адашиб кириб қолганлар, яъни “ёт элементлар”га қарши курашиш лозимлиги доимо уларнинг диққат марказида турган ҳамда бу матбуотда фош қилинган. Масалан, Фарғонада “босмачилик ҳаракати” авж олган пайтда партия кўрсатмаси билан “босмачилар билан курашинг” деб қурол-яроқ берилганда “биз босмачи билан курашиш учун фирқага кирган эмасмиз”⁸⁸ деб партия билетини ташлаб кетганлар бўлган.

И.В.Сталин томонидан XX асрнинг 20-йиллардан кейин тез-тез такрорланиб турадиган, Совет Иттифоқи социализмга яқинлашиб борган сари синфий кураш кескинлашиб боради, деган хато фатво қатағончилик йилларида минглаб кишиларни наҳақдан-ноҳақ ўлдиришлари, сургун қилиб юборишларни оқлаш учун сиёсий қўлланма бўлиб хизмат қилди⁸⁹.

1937 йили “Илгарига” газетаси муҳаррири Ҳакимжон Азимжонов ҳам қамоққа олинган⁹⁰. Унинг қамоққа олинишида унга қарши ёзилган бўхтонлардан иборат фельетон⁹¹ сабаб бўлган. Журналист, ёзувчи, шоир ва зиёлиларни синфий душман сифатида айблаш кескинлашган. Натижада баъзи инсонлар тухмат, чақимчилик, ёлғон маълумотлар тўплаш ва уни совет жазо органларига етказиш каби “фазилат”ни ўзларига касб қилиб олганлар. Шу пайтда Носирхон Тўра раҳбарлигида 33 нафар диний уламо, 16 нафар бой ва савдогарлар, 10 нафар мадраса талабалари, 1 нафар рус оқгвардиячи зобитидан иборат аксилинқилобий ташкилот Ўзбекистонда қўзғолон уюштиришда айбланиб қамоққа олинган⁹².

⁸⁶ Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 722-йиғма жилд, 15-варақ.

⁸⁷ Фирқани тозалаш ишидаги асосий вазифамиз // “Қизил Ўзбекистон”. 1929 йил 22 май, 116-сон.

⁸⁸ Жўра Зокирий. Яна ўша зиёлилар тепасида // “Қизил Ўзбекистон”. 1926 йил 20 июль, 162-сон.

⁸⁹ Юсупов Э., Туленов Ж., Ғафуров З. Миллий масала бўйича фалсафий суҳбатлар. – Тошкент: “Фан”, 1990. – Б.17.

⁹⁰ Ўз МА, 1710-фонд, 11-рўйхат, 98-йиғма жилд, 41-варақ.

⁹¹ Фельетон. Ҳимоячилар паноҳидаги жиноятчилар // “Илгарига” газетаси. 1936 йил 15 июнь, 50-сон; Ўз МА, 1710-фонд, 11-рўйхат, 98-йиғма жилд, 42-варақ.

⁹² Турсунов Қ. Ўзбекистонда социализмга ўтиш даврида синфий кураш формалари. – Тошкент:

1937 йил 2 август куни И.В.Сталиннинг Ўзбекистон КП (б) МКга раҳбар ходимлар таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги 1167/ш-сонли шифртелеграммаси келган. Унда хусусан қуйидаги жумлалар мавжуд: “...ВКП (б) МК А.Каримовни бошқа номзод билан алмаштиришни талаб қилади. Болтабоевни ХКС раиси лавозимига номзод сифатида кўрсатиш мумкин эмас, чунки хибсга олинган Рискулов, Хўжанов, Атабаев, Файзулла Хўжаевлар унга қарши кўрсатма бермоқдалар. ХКС раиси этиб Тўрабековни кўрсатишга ҳаракат қилинг. Бизнинг назаримизда, Ўзбекистонда советларга ёт унсурларга қарши кураш олиб борилаётгани йўқ, Икромов эса шундай унсурлар орасида қолганки, уларни кўрмаяпти ва эътибор қилмаяпти”⁹³.

Орадан қисқа вақт ўтиб “сталинчилар” Акмал Икромовни ҳам троцкийчи блокда айбладилар ва 1937 йил сентябрь ойида у қамоққа олинди. 1937 йил 16–20 сентябрь кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон КП (б) МК 3- пленуми ва ВКП (б) МК Сиёсий бюроси қарори бўйича А.Икромов айбдор деб топилди⁹⁴. А.Икромов маданият ва маориф соҳасида, айниқса мактабларни миллатчи унсурлар билан тўлдирганликда айбланди. Нашриётлар, тил-адабиёт ва педагогика соҳасига кириб олган миллатчилар миллатчилик ғояларини тарқатиб дарсликлар ва бошқа китоблар ёзганлари келтирилади⁹⁵. Тез орада кўплаб зиёлилар, партия аъзолари, миллий кадрлар “икромовчилик”да айбланиб қамоққа олинди ёки ишдан бўшатилади. Акмал Икромовни матбуот кескин қоралай бошлади ва унинг суратини барча муассасалардан олиш тўғрисида партия топшириғи юборилди. Шунда Қарши район Ленин мактаби физика-математика фани ўқитувчиси Явриэл Илявуёв (миллати яҳудий) Икромовнинг суратини архивда сақлаш лозимлиги тўғрисида таклиф киритган. Натижада ўқитувчи мактаб ўқувчилари ўртасида аксилинқилобий ташвиқот қилишда айбланиб ишдан бўшатирилган⁹⁶.

Большевиклар томонидан 1937 йилдан маориф ходимларини синфий душман сифатида айблаш кучайди. Буларга “босмачининг боласи”, “бойнинг боласи”, “қулоқ боласи”, “қозининг фарзанди”, “аксилинқилобчининг қариндоши” каби айблар қўйилиб, ишдан бўшатирилган⁹⁷. 1937 йил 19 декабрда Ўз ССР МИҚ ва ХКС томонидан чиқарилган қарорда Халқ маорифи комиссарлигида фаолият юритаётган халқ душманларини тағ- томири билан йўқ қилиш ва уларни маориф соҳасида қилиб ўтган “фитначиликларини фош этиш” бўйича кўрсатма берилган⁹⁸. Ушбу қарорга биноан Пахтабод районида ўқитувчи ва ўқувчилар орасида “фитначилар” ҳақида партиянинг ва халқ комиссарлигининг чиқарган қарорларини амалий равишда бажариш учун ҳамда шу ҳақда тушунчалар бериш йўли билан

“Ўзбекистон”, 1972. –Б.66.

⁹³ 1937-1938- yillardagi “Katta qirg’in” tarixining muhim sanalari (ma'lumotnoma). – Toshkent: “Fan”, 2013. – В.17.

⁹⁴ ЎзР ПАА Самарқанд бўлими, 30-фонд, 1-рўйхат, 240-йиғма жилд, 17-варақ.

⁹⁵ Халқ душманларини битта қолдирмай янчиб ташлайлик // “Қизил Ўзбекистон”. 1937 йил 23 сентябрь, 219-сон.

⁹⁶ Ўз МА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1336-йиғма жилд, 227–228-варақ орқаси.

⁹⁷ Ўз МА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1336-йиғма жилд, 242-варақ.

⁹⁸ Ўз МА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1336-йиғма жилд, 126-варақ.

оммавий кампаниялар ўтказилган. Натижада мактаб мудирлари Ҳошимов ва Юсуповлар фитначиликда айбланган. Фош қилинган “халқ душманлари” томонидан совет бошқаруви ишларига йўл бермасдан қаршилик қилиб келганликлари ҳамда ўқитувчилар мактабда ўзларининг зиёнчиликлари ва кўзбўямачиликларини давом эттириб келганлиги таъкидланган⁹⁹. 1936–1940 йиллар мобайнида Ўзбекистонда 5758 нафар давлат ва жамоат арбоби, олим, ёзувчи, журналист ва ўқитувчилар юқорида келтирилган айбловлар остида қамокқа олиниб, улардан 4811 нафари отиб ташланган¹⁰⁰. Хуллас, XX асрнинг 30-йилларида ўзбек халқининг минглаб зиёлилари ва кадрлари Сталин қатағонларининг беғуноҳ қурбони бўлдилар. Зиёлиларни таъқиб этиш, номларини қоралаш, улар қатағон этилгандан кейин ҳам тўхтамади. Уларнинг фарзандлари “миллатчи”, “халқ душмани”, “ёт унсурнинг боласи” каби номлар билан камситилди. Қатағон этилган зиёлиларнинг асарларини ўқиш, ҳатто номларини тилга олиш таъқиқланган эди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар ва большевикларнинг мафкура майдонидаги кураши масаласини илмий тадқиқ этиш қуйидаги хулосаларга асос бўлди:

1. Большевиклар томонидан коммунистлар “жозибаси” сифатида талқин қилинган миллий муносабатлар ва хусусиятларда ўзаро ҳурмат тамойили аслида миллатларни сунъий қориштиришдан иборат бўлган совет халқини шакллантиришни кўзда тутар эди. Бунда совет ватанпарварлиги мафкураси илгари сурилган бўлиб, СССРнинг ягона ижтимоий тизим сифатида ривожланишга ўтишини англатади. Ўзбекистонда коммунистик партиянинг асосий мақсади пролетариатни шакллантириш учун ишчи-деҳқонларнинг эътиборини ўзига жалб қилиш ва миллий зиёлиларни зарарсизлантириш бўлди.

2. Кўп сонли миллатларни ўзида бирлаштирган йирик совет давлати ўз таъсирида бўлган ўлкаларда бошқарувни мустаҳкамлаш ва Марказдан бошқариладиган ҳамда буйруқбозликка асосланган узлуксиз ижро механизмини шакллантирди. Бу пайтда большевиклар чекка ўлкаларда совет мафкурасига хизмат қиладиган маҳаллий кадрларга эҳтиёж мавжудлиги зарурати билан ҳисоблашишга мажбур бўлди. Шунинг учун маҳаллий кадрлардан миллий коммунистлар тайёрлаш ва уларга ўз она тилисида таълим олиши ва иш юритишига руҳсат берилди. Бироқ кейинги даврда миллий республикаларда “аксилнқилобий” ҳаракатлар сифатида баҳоланган хатти-ҳаракатларнинг авж олиши большевикларни бошқарувни марказлаштириш томон кескин бурилиш ясашга мажбур қилди.

3. Ўзбекистонда мавжуд тузумни ислоҳ қилиш ва бошқарувга замонавий илм-фан ютуқларини жорий қилишга қаратилган миллий зиёлилар фаолияти большевиклар томонидан буржуа миллатчилиги деб баҳоланди.

⁹⁹ Ўз МА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1336-йиғма жилд, 127-варақ.

¹⁰⁰ Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2004. –Б.60.

Шўролар большевизмни ўлкада ҳукмрон партияга айлантиришда миллат манфаати йўлида курашувчи зиёлиларни асосий ғов деб билдилар. Большевикларнинг миллий зиёлиларга қарши олиб борган кураши оқибатида кўплаб маърифатпарварлар катагон қилинди ва баъзилари ўз юртларини ташлаб муҳожирликка жўнаб кетишди.

4. Пролетариат диктатураси ҳукмронлиги туфайли илм-фан, маданият, санъат коммунистик мафкурага бўйсундирилди. Натижада ўтмишдаги санъат асарлари буржуача деб талқин қилиниб, йўқ қилинди. Буларнинг ўрнига “янги” пролетарча асарлар дунёга келди: дохийларнинг китоблари ёки уларнинг таржимаи ҳоли, янги тизимни мадҳ этувчи адабиёт, санъат асарлари ва бошқалар. Миллий зиёлилар “эски зиёлилар”, “зиёнли” деб аталган бўлса, большевиклар мафкурасига хизмат қилганлар “янги зиёли”, “қизил зиёли” деб номланди.

5. Большевиклар маориф тизимида ислоҳот ўтказиш орқали ёшларни совет таълимига тортиш ва уларни пролетариат мафкураси билан тарбиялашни мақсад қилдилар. Улар коммунизмга ўтишда эски мактаб, мадраса ва жаид таълимини асосий ғов деб билдилар. Маориф тизимида фаолият кўрсатган миллий зиёлиларга таълим-тарбия бериш ишлари таъқиқлаб қўйилди. Таълим тизимидаги бундай ўзгаришлар саводсизликни тугатиш, яъни “маданий инқилоб” баҳонасида олиб борилди. Миллий зиёлилар ва большевиклар ўртасида миллий тилларда иш юритиш ва имло масаласида ҳам мафкуравий қарашлар ҳамда тортишувлар юз берди. Туркий тилларда сўзлашадиган халқларнинг орасида “умумтуркий” адабий тилини яратиш ғояси большевиклар томонидан пантуркистик ғоя деб аталди. Бу ғоя совет мафкурасида буржуа миллатчиларининг ғояси деб тарғиб қилинди. Марксизм, ленинизм ғояларига қарши бўлган “ўзига хослик ва сингармонизм – темир қонун назарияси” тарафдорлари бўлган зиёлилар ўзбек тилининг софлигини сақлаб қолиш йўлида жиддий курашдилар.

6. Миллий зиёлилар пролетариат мафкурасига қарши истиқлол мафкурасини, большевизмга қарши туронизм ғоясини илгари сурдилар. Буюк Турон давлатини қуриш йўлида барча кучларни бирлаштириш ва кадрлар ўстиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги белгиланган. А.Фитрат раҳбарлигидаги “Чигатой гурунги” деб номланган миллий зиёлилар уюшмасининг мақсади темурийлар давридаги улуғворликни тиклаш ва “Буюк Турон” давлатини қуриш бўлган.

7. Коммунистлар партияси бир фронтдаги курашга аҳамият берилмаса душман шу томондан ҳужум қилади деб ҳисоблади. Шунинг учун мафкура майдонидаги курашнинг аҳамияти бошқа фрондаги курашларнинг аҳамиятидан кичик эмаслигига катта эътибор қаратилган. Пролетариат ҳокимияти даврида мафкура кураши мамлакатда шакл жиҳатдан ўзгариб турса ҳам мазмун томондан ўзгармаган. Большевиклар мафкураси бошқа мафкураларни ўсмаслиги ва ривожланмаслиги учун ҳар қандай чоралар кўрган. Шу сабабли миллий зиёлилар илгари сурган истиқлол мафкураси большевиклар томонидан “буржуа мафкураси” сифатида таъқиб қилинган.

Зиёлилар масаласи мафкуравий курашнинг энг муҳим тармоғи ҳисобланган. Бу борада большевиклар эски зиёлиларга ён беришни мафкура фронтида чекиниш, душманга истеҳкомни бериш билан баробар деганлар.

8. Большевиклар мафкурасида “синфий душман” ғояси устуворлик қилди. Ушбу ғояда ҳар бир одамда, оиланинг ҳар бир аъзосида, ҳамкасбларда, қўни-қўшниларда инқилоб ва халқ душманининг яширин қиёфасини кўриш ҳолати юз берди. Атрофидаги инсонлардан гумонсираш, хавфсираш, ишонмаслик туйғулари шаклланди. Совет назорат органларига маълумот етказиш, чақув, хоинлик “ижобий фазилат” даражасига кўтарилди. Синфий курашда асосий рақиб сифатида аввало мулкдор табақа вакиллари, яъни катта ер эгалари, бой савдогарлар, диний уламолар ва миллий зиёлилар таъкидлаб ўтилди. Большевиклар мафкурасида бу юқорида келтирилган табақа вакиллари “буржуазия малайлари”, “ёт унсурлар” деб аталди. Большевиклар томонидан ўтказилган ер-сув ислоҳоти, хотин-қизларни озод қилиш, совет диний ва миллий сиёсати каби ўзгаришлар “синфий кураш” никоби остида олиб борилди.

Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар билан большевиклар ўртасидаги мафкуравий курашнинг тарихи бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари ва хулосаларидан келиб чиқиб, қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** илгари сурилди:

1. Мафкура масалалари бўйича президент, вилоят ҳокими маслаҳатчиси лавозимларини жорий қилиш орқали бошқарувда миллий мафкура асосларини мустаҳкамлашга эришиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Миллий мафкурасини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига уйғун шаклда қайта ишлаб чиқиш ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида комиссия тузиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий таълим муассасалари олимлари ва кенг жамоатчиликни миллий мафкура тамойилларини замон талаблари асосида ишлаб чиқишга жалб этиш.

4. Ҳар бир қабул қилинаётган қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий мафкураси талабларига тўла мутаносиб келишига эришиш.

5. Пролетариат мафкурасига қарши курашган миллий зиёлиларнинг истиклол мафкурасига оид асл манбаларни излаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги, Президент администрацияси архивларини тадқиқотчилар учун кенг очиш.

Илгари сурилган мазкур таклиф ва тавсияларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг тараққиётига хизмат қилади ҳамда ёшларни миллий манфаатларни ҳимоя қиладиган мард ва олийжаноб инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ PhD.03/27.02.2020 TAR.72.07
ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РАШИДОВ ОЙБЕК РАСУЛОВИЧ

**БОРЬБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ИНТЕЛЛИГЕНЦИИ С
БОЛЬШЕВИКАМИ НА ИДЕОЛОГИЧЕСКОЙ АРЕНЕ НА
ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА (1917–1938 гг.)**

07.00.01 – История Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ИСТОРИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Бухара - 2022

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.1.DSc/Tar189

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на сайте Научного совета (<http://www.buxdu.uz/>) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант: Раджабов Кахрамон Кенжаевич
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты: Хасанов Бахтиёр Вахапович
доктор исторических наук, профессор

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
доктор исторических наук, профессор

Абдуллаев Музробжон Гулямович
доктор исторических наук, профессор

Ведущая организация: Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета PhD.03/27.02.2020 Tar.72.07 по присуждению учёных степеней при Бухарском государственном университете, 2022 г. «20» часов 10⁰⁰. (Адрес: 140104, г. Бухара, ул. М.Икбола, 11. Тел.: 0 (+365) 221-29-14; факс: 0 (365) 221-26-12; e-mail: bsu_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирован под номером № 1189). Адрес: 200117, г. Бухара, ул. Мухаммада Икбола, 15. Тел.: 0 (+365) 221-29-14; факс: 0 (365) 221-26-12;

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2022 г.
(Протокол реестра рассылки № ____ от « ____ » _____ 2022 г.)



С.И.Иноятов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор исторических наук, профессор

Ф.У.Темиров
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.и.н.(PhD)

Ш.А.Хаитов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор исторических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях мировой глобализации происходит дальнейшее обострение национально-этнических конфликтов, инцидентов, опасностей и угроз, вооруженных вторжений, военных столкновений, пандемии (эпидемий), международного терроризма, шовинизма, религиозного экстремизма, фундаментализма, а также идейной и идеологической борьбы. С учётом того, что идеологическая борьба сильнее ядерных полигонов, возникает насущная необходимость, чтобы каждое государство имело свою национальную идеологию и стратегию развития. Устранение идеологических структур, идущих вразрез с интересами человечества и борьба с деструктивными идеями, пытающимися захватить геополитическое пространство, приобретают актуальное значение.

В мире проводятся научные изыскания, направленные на изучение общественно-экономической, политической и духовной жизни национальных республик в период советской власти, роли коммунистической партии в государственном управлении, национальной политики большевиков, их взглядов на «национальную по форме, социалистическую по содержанию культуру» и «интернациональных идей», а также кадрового вопроса в Узбекистане, репрессивной политики против просветителей, интеллигенции, джадидов и его последствия. Также важное значение имеет проведение исследований по таким направлениям, как борьба узбекской национальной интеллигенции с большевиками на идеологической арене, изучение её теоретических основ, этапов периодизации и содержания.

В годы независимости большое внимание уделяется борьбе со всякими действиями, угрожающими мирной жизни, безопасности страны, а также духовными и идеологическими угрозами, которые под прикрытием «массовой культуры» пропагандируют цинизм и жестокость. Были определены задачи «укрепления межнационального согласия и религиозной толерантности в обществе, формирование эффективных механизмов противодействия экстремизму и терроризму, поднятие на высокий уровень тесного сотрудничества в области безопасности, торгово-экономической, водной, энергетики, транспорта и культурно-гуманитарной сферах в Центральной Азии»¹⁰¹. Преобразования в этом направлении будут иметь важное значение в построении правового демократического государства и справедливого гражданского общества, а также в воспитании уверенной в себе всесторонне развитой личности.

Данная диссертация в определённой мере служит для выполнения задач, обозначенных в указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы» за № УП-60 от 28 января 2022 года, распоряжении «О дополнительных мерах по более глубокому изу-

¹⁰¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида // Янги Ўзбекистон. 2022 йил 1 февраль. 22-сон. [Электрон ресурс]. <https://lex.uz/pdfs/5841063>

чению наследия и увековечению памяти жертв репрессий” за № Р-5598 от 8 октября 2020 года, постановлении “О мерах по коренному совершенствованию системы духовно-просветительской работы” за № ПП-5040 от 26 марта 2021 года, постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан “О поддержке Государственного музея памяти жертв репрессий при Кабинете Министров Республики Узбекистан и музеев памяти жертв репрессий в структуре высших образовательных учреждений и Общественного фонда «Шаҳидлар хотираси»” за № 357 от 9 июня 2021 года.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. “Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления для социального, правового, экономического, культурного, духовного и образовательного развития информатизированного общества и демократического государства”.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹⁰². Исследования, направленные на изучение теоретических основ, принципов, этапов, содержания и сущности превращения коммунистической партии в советских государствах в господствующую идеологию проводятся в ряде таких ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, как Exeter University (Великобритания), Harvard University (США), Chicago University (США), New York University (США), Michigan University (США), Pittsburgh University (США), Zentrum für Osteuropa und internationale Studien (Центр восточноевропейских и международных исследований (Германия), Pontifical Gregorian University (Италия), Московский государственный университет (Россия), Marmara University (Турция), Южно-Казахстанский университет (Казахстан), Национальный университет Узбекистана (Узбекистан).

В результате проведённых в мире исследований были получены следующие научные результаты по истории тоталитарного правления советского государства и господства коммунистической идеологии: показано отношение большевиков в Советском государстве к интеллигенции, писателям, литературоведам, их деятельность, связанная с политической и идеологической пропагандой (Exeter University, Великобритания), раскрыто установление советской власти в Туркестанском регионе, идеологические взгляды и борьба между большевиками и национальной интеллигенцией (Harvard University, США); приведены факты, связанные с укреплением тоталитарного режима в советском государстве, устройством советских республик на бывших землях империи, социально-психологическим состоянием людей под влиянием коммунистической идеологии (New York University США), освещены важные аспекты деятельности ведущих политических деятелей джадидского движения в Бухаре, репрессированных в период сталинского периода в 1930-

¹⁰² Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлен на основе <http://www.researchgate.net>, <http://www.academia.edu>, <http://www.trove.nla.gov.au>, <http://www.goodreads.com>, <http://www.abebooks.co.uk>, <http://www.hup.harvard.edu>, <http://www.unrisd.edu>, <http://www.booktopia.com.au>, <http://www.ucis.pit.edu> и других источников.

1938 годов (Michigan University, США), проведён анализ национальной политики большевиков в Средней Азии и её такие аспекты, как репрессии против национальной интеллигенции в Узбекистане (Pittsburgh University, США), приведены важные доказательства того, что под влиянием коммунистической идеологии на сознание людей и идеи классового врага многие ценные произведения были уничтожены в качестве пропагандистов буржуазной идеологии (Центр восточноевропейских и международных исследований, Германия), осуществлён широкий анализ сущности рабочей идеологии, её точка зрения на религию, последствия диктатуры пролетариата (Pontifical Gregorian University, Италия); на научной основе освещаются вопросы, связанные с судьбами национальных меньшинств в Узбекской ССР, с миграционными процессами в стране (Московский государственный университет, Россия); представлены сведения о жизни туркестанской эмигрантской интеллигенции, их научной и типографской деятельности, о борьбе за идеологию национальной независимости защиты национальной интеллигенции (Marmara University, Турция); дана ценная информация об упразднении советским правительством национальных правительств «Туркестанской автономии» и «Алаш-Орды», репрессиях против национальных кадров и интеллигенции, работавших в учреждениях государственного управления (Южно-Казахстанский университет, Казахстан); рассмотрены важные аспекты становления, сущность и этапы советской власти в Узбекистане, контрреволюционные организации и их идеологические взгляды (Национальный университет Узбекистана).

Проводятся ряд исследований по изучению вопросов превращения Коммунистической партии в господствующую силу в условиях тоталитарного управления при советской власти, чистки большевистских партийных рядов и борьбы за национальное управление, в том числе по следующим приоритетным направлениям: показать идейную борьбу национальной оппозиции против диктатуры пролетариата, раскрыть, что такие преобразования, как земельно-водная реформа, освобождение женщин, советская религиозная и национальная политика проводились под личиной «классовой борьбы», изучить противоречивые аспекты, связанные с репрессиями представителей национальной интеллигенции со стороны большевиков.

Степень изученности проблемы. Процесс и история борьбы узбекской национальной интеллигенции против большевистской идеологии легла в основу многих исследований. Исследования в этой области представлены в диссертации. В ней литература по данной проблеме разделена на 3 группы: к первой группе относится историческая литература, изданная в годы советской власти; ко второй группе – исследования, осуществлённые в годы независимости; в третью группу входят произведения, изданные за границей. Вопросы историографии рассматривается в отдельной главе исследования.

